Ҳурматли шайх
Абдурраззоқ ибн Абдулмуҳсин ал-Бадр
ҳафизаҳуллоҳ

Ҳаж ва нафс тарбияси

الحج وتهذيب النفوس

www.tavhid.com

Мундарижа

Ҳаж ва ислоҳот-(ўнглаш) 2
Эҳром либоси ва кафанни эслатиш 4
Арафа куни ва қиёмат кунидаги мавқифни ёдга солиш 7
Ҳаж ва шайтонни хўрлаш 11
Ҳаж ва тавба 14
Ҳаж ва таваккул 18
Ҳаж ва тақво 20
Ҳаж ва иймон зиёдалашиши 24
Ҳаж ва Аллоҳнинг чақириғини ижобат қилиш 27
Ҳаж ва зикр 29
Ҳаж ва уламоларнинг ўрни 33
Ҳаж ва исломий робита-(алоқа) 35
Ҳаж ва истиғфор 38

Ҳаж ва ислоҳот-(ўнглаш)

Дарҳақиқат, ҳаж нафсни тарбиялаш, қалбни поклаш ва иймонни кучайтириш учун муборак бир мадрасадир. Ушбу улуғ ибодат ва муборак маросим давомида мусулмонлар ақида, ибодат ва ахлоқ борасида улкан дарслар, таъсирли ибратлар ва олий фойдаларни қўлга киритишади. У ҳақиқатда тарбиявий, иймоний мадраса бўлиб, уни муттақин мўминлар тугатиб-(битириб) чиқадилар. Аллоҳнинг муваффақ бандалари унинг булоғидан сипқирадилар. Аллоҳ таоло шундай дейди:

وَأَذِّن فِي ٱلنَّاسِ بِٱلۡحَجِّ يَأۡتُوكَ رِجَالٗا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٖ يَأۡتِينَ مِن كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٖ ٢٧

لِّيَشۡهَدُواْ مَنَٰفِعَ لَهُمۡ ٢٨

«Ва одамлар орасида (юриб уларни) **ҳажга чақиргин, улар сенга** (яъни сенинг даъватингга жавобан) **яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар. Улар ўзлари учун бўлган** (диний ва дунёвий) **манфаатларга шоҳид бўлиш учун...»** (Ҳаж: 27-28).

Ҳажнинг фойда ва манфаатларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Ундаги ибрат ва дарсларни санаш ва таъқиб қилишнинг имкони йўқ. Оятдаги Аллоҳ таолонинг ушбу: «**Манфаатлар...**», қавли, фойданинг бир неча, турли-туман ва кўп эканига ишора ўлароқ накира-(ноаниқ артикл)да ворид бўлди. Ушбу манфаатларга шоҳид бўлиш ҳаждан қасд қилинган ишдир.

وَأَذِّن فِي ٱلنَّاسِ بِٱلۡحَجِّ يَأۡتُوكَ رِجَالٗا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٖ يَأۡتِينَ مِن كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٖ ٢٧

«Ва одамлар орасида (юриб уларни) **ҳажга чақиргин, улар сенга** (яъни сенинг даъватингга жавобан) **яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар»** (Ҳаж: 27). Яъни, агар улар орасида (юриб) ҳажга чақирсанг, ҳузурингга ҳаж манфаатларига гувоҳ бўлиш, яъни, ҳозир бўлиш учун пиёда ва отлиқ ҳолда келадилар. Манфаатларга ҳозир бўлишларидан мурод, уларни ўзлари учун ҳосил қилишликлари ва улардан фойдаланишликларидир.

Шу сабабли Аллоҳ уни ушбу тоатга муваффақ қилган ва унга ушбу ибодатни муяссар қилган ҳар бир кишига ҳажида ҳосил қиладиган улкан ажр, мўл савоб, гуноҳлар мағфират ва саййиотлар каффорот қилинишига қўшимча ўлароқ ҳаж манфаатларини қўлга киритиш, ҳамда унинг ибрат ва мавъизаларидан фойдаланишга ғоятда ташна бўлишлиги лойиқдир. Дарҳақиқат, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деганликлари собит бўлган: «***Кимда-ким ушбу уйни ҳаж қилса ҳамда жимо ва фосиқлик қилмаса онаси туққан кунидек*** *(гуноҳлардан пок ҳолда ортга)* ***қайтади»***. Бухорий ва Муслим ривоятлари.[1] Яна у киши соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деганликлари собит бўлган: «***Ҳаж ва умра орасини яқин-***(қирон) ***қилинглар. Батаҳқиқ, у иккиси фақирлик ва гуноҳларни кетказади. Худди*** *(темирчининг)* ***босқони темирнинг кирлигини кетказгани каби»***. Насоий ривояти.[2]

Ушбу фойдага эришган ва ана шу ўлжани қўлга киритган киши юртига пок ҳолатда, тоза нафс, иймону тақвога тўла, яхшилик, салоҳият, тўғри-(устиворлик) ҳамда Аллоҳ азза ва жалланинг тоатига риоя қилиш билан кўрк очган янги ҳаёт ила қайтиши муносибдир.

Дарҳақиқат, уламолар ушбу салоҳият ва поклик агар бандада мавжуд бўлса, демак, у розилик ва мақбул бўлиш аломати дея ёдга олдилар. Кимники ҳолати ҳаждан кейин ёмонликдан

[1] Бухорий (1820), Муслим (1350).

[2] Насоий (5/115) Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (2901)да саҳиҳ санади.

яхшиликка ёки яхшиликдан унданда яхшиликка ўзгариш билан яхшилашса, батаҳқиқ, бу ҳажидан яхши фойдаланганига далилдир. Зеро яхшиликнинг савоби, ундан кейинги яхшиликдир. Аллоҳ азза ва жалла айтганидек:

هَلۡ جَزَآءُ ٱلۡإِحۡسَٰنِ إِلَّا ٱلۡإِحۡسَٰنُ ﴿٦٠﴾

«**Эҳсон-яхшиликнинг жазоси-мукофоти фақат яхшиликдир**» (Раҳмон: 60). Кимки ҳажини гўзал адо этса, уни тўла ва мукаммал қилишда тиришса ҳамда уни нуқсонли ва барбод қилувчи амаллардан узоқ бўлса, ундан (ҳаждан) энг яхши ҳолатда чиқади ва энг пок оқибат сари кўчиб ўтади.

Дарҳақиқат, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деганликлари собит бўлган: «***Мабрур-****(мақбул)* ***ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир***».[3] Шак-шубҳа йўққи, ҳар бир ҳожи ўз ҳажини мабрур, саъйини машкур, амалини солиҳ, мақбул бўлишини умид этади. Ҳажнинг мабрур ва мақбул эканига очиқ аломат, киши дарҳақиқат, уни Аллоҳнинг Юзи учун холис, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ тарзда адо этган бўлиши, ҳамда ҳаждан кейинги ҳолати олдинги ҳолатга нисбатан яхши бўлишидир. Амаллар фақат ана шу икки шарт билангина қабул қилинади.

(Ҳаж) қабул бўлиши учун (лозим бўлган) ушбу икки аломатнинг бири ҳаж асносида бўлади. У ҳам бўлса амал соҳиби уни Аллоҳнинг Юзи учун холис, Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ адо этишидир. (Иккинчи) аломат эса ҳаждан кейин бўлади. У ҳам бўлса киши тоатларга зиёда иқбол қилиши, гуноҳ ва маъсиятлардан янада четлашиши, ҳамда яхшилик, салоҳият ва тўғри-(устуворлик) билан кўрк очган янги ҳаёт бошлаши ила ҳаждан кейинги ҳолатининг салоҳиятли бўлишидир.

Шу ўринда (бир нарсани) огоҳлантириб ўтиш лозимки, мусулмон ҳар қанча амалини яхши ва чиройли адо этмасин, уни қабул бўлди деб қатъий айтиши жоиз эмас. Аллоҳ таоло комил мўминларнинг ҳолати ҳамда Аллоҳга қурбат ҳосил қиладиган тоатларининг шаънини баён қилиб, шундай деди:

وَٱلَّذِينَ يُؤۡتُونَ مَآ ءَاتَواْ وَّقُلُوبُهُمۡ وَجِلَةٌ أَنَّهُمۡ إِلَىٰ رَبِّهِمۡ رَٰجِعُونَ ﴿٦٠﴾

«(Камбағал-бечораларга) **берган садақаларини** (қиёмат кунида ҳисоб-китоб учун) **Парвардигорга қайтгувчи эканликларидан диллари қўрқиб турган ҳолда берадиган кишилар**» (Мўминун: 60). Яъни, намоз, закот, ҳаж, рўза ва бундан бошқалардан иборат маъмур бўлишган амалларни ўзлари томондан адо этадилар ҳамда амаллари Аллоҳга кўндаланг қилиниши ва ўзлари Аллоҳнинг ҳузурида туриш онларида амаллари нажотсиз ва тоатлари номақбул бўлишидан хавфсировчидирлар.

Имом Аҳмад «Муснад»ида мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳонинг шундай деганликларини ривоят қилади: *«Эй Расулуллоҳ:*

وَٱلَّذِينَ يُؤۡتُونَ مَآ ءَاتَواْ وَّقُلُوبُهُمۡ وَجِلَةٌ أَنَّهُمۡ إِلَىٰ رَبِّهِمۡ رَٰجِعُونَ ﴿٦٠﴾

«(Камбағал-бечораларга) **берган садақаларини** (қиёмат кунида ҳисоб-китоб учун) **Парвардигорга қайтгувчи эканликларидан диллари қўрқиб турган ҳолда берадиган кишилар**», *у зино қиладиган ва маст қилувчи ичимлик ичадиган кимсами?» - дедим. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):* ***«Йўқ, эй Абу Бакрнинг қизи»*** *ёки* ***«Йўқ, эй Сиддиқнинг қизи. Бироқ у, ундан қабул***

[3] Муслим (1349).

қилинмаслигидан қўрққан ҳолатда рўза тутадиган, намоз ўқийдиган ва садақа қиладиган кишидир» *- дедилар».*[4]

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «*Дарҳақиқат, мўмин яхшилик қилиш ва қўрқув орасини жамлади. Мунофиқ эса ёмонлик қилиш ва ҳотиржамлик ўртасини жамлади*».[5]

Дарҳақиқат, мўминлар ўртасида қадимги ва ҳозирги замонда ушбу тоат сўнгидан бир-бирларига: «Аллоҳ биздан ва сизлардан қабул айласин», дейишлик суннати давом этиб келяпти. Барча қабул бўлишини умид қилади.[6] Дарҳақиқат, Аллоҳ Қуръони Каримда пайғамбари Иброҳим ва унинг ўғли Исмоил алайҳиммассалоту вассалам ҳақларида зикр қилди. У иккилари Каъбани қуриш дамлари ушбу дуо ила дуо қилардилар. Аллоҳ таоло деди:

وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَٰهِـۧمُ ٱلْقَوَاعِدَ مِنَ ٱلْبَيْتِ وَإِسْمَٰعِيلُ رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّآ ۖ إِنَّكَ أَنتَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿١٢٧﴾

«Эсланг: Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб (дедилар)**: «Парвардигоро, биздан** (ушбу қилган амалимизни) **ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, сен эшиттувчи, билгувчисан!»** (Бақара: 127). Ҳолбуки у иккилари солиҳ, улуғ бир амалда бўла туриб, Аллоҳ улардан қабул қилишини сўраяптилар. Ибн Абу Ҳотим Вуҳайб ибн Вирддан ривоят қилади. У киши ушбу оятни ўқидилар ва йиғладилар. Айтдиларки: «*Эй Раҳмоннинг Халили! Раҳмоннинг уйи пойдеворларини кўтариб, яна У Зот сиздан қабул қилмаслигидан қўрқасиз*».[7]

Агар бу, тўғри йўлдагиларнинг имоми ва муваҳҳидларнинг пешвоси ҳолати бўлар экан, унда у кишидан қуйидагиларнинг ҳолати ҳақида нима дейсиз?

Аллоҳдан барча учун қабул, тавфиқ ва тўғрилик, Аллоҳнинг «Байтул Ҳаром»ини ҳаж қилувчиларга саломатлик ва офият китобат қилишини, биз ва улардан солиҳ амалларни қабул айлашини ҳамда барчани тўғри йўлга ҳидоят қилишини сўраб қоламиз. Албатта, У кўплаб инъом этувчи, Саховатли Зотдир.

Эҳром либоси ва кафанни эслатиш

Батаҳқиқ, ҳажнинг ибрат ва фойдалари чексиздир. Унда қанчадан-қанча фойдали дарс ва таъсирли мавъизалар бор. Ҳажнинг мавъиза ва ибратларидан бири, мусулмон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳром учун белгилаб берган мийқотга етганида ўз либосини ечади ҳамда (танасининг) ярим қуйи (қисми)га изор ва боши қолиб юқори ярим (қисми)га ридо кияди. Либоснинг ушбу кўринишида ҳожилар баб-баробар бўлиб, бой билан камбағал ҳамда бошлиқ билан қўл остидаги одам ўртасида фарқ бўлмайди. Уларнинг ушбу либосда баб-баробар эканликлари ўлимдан кейин барчаларининг кафан либосида баробар эканликларини эслатиб юборади. Барча ўз либосини ечади ҳамда оппоқ ўраладиган (чойшаб)ни ўрайдилар. Бу борада бой билан фақирнинг фарқи йўқ.

---

[4] «Муснад» (25705).

[5] Ибн Муборак «Зуҳд» (985).

[6] Ибн Батто «Ибана» китоби (2/873)да шундай дейди: «*Шунингдек, ҳаж ва умрасидан фориғ бўлиб, жамийки ҳаж ибодатларини адо қилиб қайтган киши ҳажи ҳақида сўралса шундай дейди: «Дарҳақиқат, ҳаж қилдик. Қабул бўлмай қолмас!» Шунингдек, одамларнинг ўзларига ва бир-бирларига дуо қилишлари: «Эй Аллоҳ! Рўзамиз ва закотимизни қабул айла!» Ҳожига йўлиққанда ҳам унга шундай дейилади: «Аллоҳ ҳажингизни қабул қилсин ва амалингизни покласин!» Шунингдек, одамлар Рамазон ойи тугаганда бир-бирларига йўлиқиб, шундай дейдилар: «Аллоҳ биз ва сизлардан қабул айласин!» Мусулмонларнинг суннати шундай бўлиб келган. Одатлари шундай жорий бўлган. Ҳамда уни халафлари салафларидан олган».*

[7] Ибн Абу Ҳотим ўз тафсирида ривоят қилди. Ибн Касирнинг тафсирида (1/254) ворид бўлганидек.

Имом Аҳмад ўз «Муснад»ида Самура ибн Жундуб розияллоҳу анҳудан ривият қилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Оқ либос кийинглар. Чунки у энг пок ва энг яхшидир. Ҳамда маййитларингизни унда кафанланглар»***.[8]

Одам боласининг саййиди соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида пахтадан бўлган уч оқ либос-(чойшаб)га кафанландилар. Унда на кўйлак-(енг, чўнтак), на бош кийим бор эди. Бухорий ва Муслим Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пахтадан бўлган Саҳулий (жой номи) оқ яманий уч матога кафанландилар. Уларда кўйлак-(чўнтак, енг) ва бош кийим йўқ эди»*.[9]

Вафот этган ҳар бир кишининг ҳолати шундай. Ювилади, либосларидан ечинтирилади ва оқ чойшабга ўралади. Сўнг унга (жаноза) намози ўқилади. Сўнг эса қабрга қўйилади.

Ҳожи мийқотда либосини ечиб, эҳромни кийган дамда ушбу ҳолатни эслайди ва зеҳнига ушбу оқибат-(қайтар жой) келади. У сабабли дунёвий ҳаёти ниҳоя топадиган ва ухровий ҳаёти бошланадиган ўлимни ёдга олади.

Банда учун (сўнги) сафарини эслаши, жондан азиз ва севиклисидан айрилишини ёдга олиши, унга молидан фақат кафани бўлиши, яъни, молидан қабридаги насибаси (кафан экани) сўнг оқибати хароб бўлишини эслаши қанчалар ҳам улкан ва фойдалидир. Шоир айтади (маъноси):

Умр бўйи йиққан-терганингдан насибанг,
Икки ридо ва хушбўй бўлиб, унга ўралажаксан.

Бошқаси айтади:

Қаноат ўрнини босувчи нарса йўқ,
Унда неъмат, унда бадан роҳати бор.
Бутун дунёга эга бўлган кишига боқ,
Ундан (дунёдан) пахта ва кафандан ўзгаси ила кетдими?![10]

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганликлари ҳадисда собит бўлган: ***«Лаззатлар қирқувчисини кўп-кўп эсланглар»***. Яъни, ўлимни.[11] Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан шундай деганликлари ворид бўлган: *«Ўлим кифоя қиларли ваъз-насиҳат қилувчидир»*.

Кимки ўлимни эсласа охиратга иқбол қилади. Ҳамда дунё энг катта ғам-ташвиши ва илми етган ҳад-(чегарас)и бўлиб қолмайди. Ўлимни ёдга олиш маъсиятлардан жиловлаб туради, қотган қалбни юмшатади, дунё билан хурсанд бўлишни кетказади ва ундаги мусибатларни енгиллатади.

Сўнг инсонни ўзи билан қабрга кирадиган кафани, унга бирор нарсада фойда бермайди. Ва у оқибатда эскиради-(чиришди). Ваҳоланки у кишининг дунёсидан қабрига у билан кирадиган ягона нарсадир. Инсонга қабрида фойда келтирадиган нарса солиҳ амалидир. Дарҳақиқат, «Саҳиҳайн»да Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Маййитга уч нарса эргашиб боради. Иккиси қайтиб кетади ва бири қолади: Аҳли, моли ва амали эргашиб боради. Аҳли ва моли*** *(ортга)* ***қайтади ва амали қолади»***.[12]

Маълумки, инсонни уларга кўникиш ҳосил қилган аҳли-оиласи, унинг воситасида ҳаёт кечирадиган моли бўлади. Ушбу иккиси ундан, у эса у иккисидан айрилади. Ўзга чора йўқ. Бахтли эса ана шундан яхшилик ва тоатда унга кўмак бўладиган нарсани олган кишидир. Аммо

[8] «Муснад» (20154).
[9] Бухорий (1264), Муслим (941).
[10] Қуртубий «Тазкира» (1/28).
[11] Термизий (2307), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ ал-Жомеъ» (1210)да саҳиҳ санадилар.
[12] Бухорий (6514) ва Муслим (2960).

кимки уни Аллоҳдан машғул қиладиган аҳли-оила ва мол қилган бўлса, бас, у зарар кўргувчидир. Аъробийлар айтгани каби:

شَغَلَتْنَآ أَمْوَٰلُنَا وَأَهْلُونَا ﴿١١﴾

«Бизларни мол-мулкларимиз машғул қилиб қўйди» (Фатҳ: 11). Аллоҳ таоло деди:

لَا تُلْهِكُمْ أَمْوَٰلُكُمْ وَلَآ أَوْلَٰدُكُمْ عَن ذِكْرِ ٱللَّهِ ۚ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿٩﴾

«На мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни Аллоҳга ибодат қилишдан) **юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир!»** (Мунофиқун: 9).

Кимда-ким вафот этса, батаҳқиқ, у аҳли-оиласининг дуо ва истиғфор айтиши ҳамда ҳаётлик чоғида садақа қилган молидан ташқари ўз аҳли ва мол-дунёсидан бирор фойда кўрмайди. Аллоҳ таоло деди:

يَوْمَ لَا يَنفَعُ مَالٌ وَلَا بَنُونَ ﴿٨٨﴾ إِلَّا مَنْ أَتَى ٱللَّهَ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ ﴿٨٩﴾

«У кунда на молу-давлат ва на бола-чақа фойда бермас. Магар Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)» (Шуъаро: 88-89). Аллоҳ таоло деди:

وَلَقَدْ جِئْتُمُونَا فُرَٰدَىٰ كَمَا خَلَقْنَٰكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَتَرَكْتُم مَّا خَوَّلْنَٰكُمْ وَرَآءَ ظُهُورِكُمْ ۖ ﴿٩٤﴾

«Мана, Бизнинг ҳузуримизга сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ёлғиз ҳолда келдингиз. Сизларга берган нарсаларимизни ортингизда қолдирибсиз» (Анъом: 94).

Инсоннинг мол ва аҳлидан иборат эга бўлган барча нарсаси, батаҳқиқ, у уларни ўз ортида, улардан бирор фойда олмаган ҳолда ташлаб кетади. Аҳлининг дуоси ва ўзи молидан қилган садақаси бундан мустасно. Муслимнинг «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Инсон вафот этганда уч** (йўл)**дан ўзга амали кесилади: Юриб турувчи садақа, ёки унинг ҳаққига дуо қиладиган солиҳ фарзанд, ёҳуд фойдаланиладиган илм»***.[13]

Аҳли-оила гоҳида унинг ҳаққига дуо қилади ва гоҳида дуо қилмайди. Ўзи эга бўлган мол-давлатидан қабрида бирор фойда бўлмайди. Ҳаётлик чоғида қилган садақаси мустасно. Батаҳқиқ, у (ҳаётлигида қилган садақаси) унинг олдига келади ва у, қабрида унга ҳамроҳ бўладиган амали остига дохил бўлади. Бундан бошқа мол-давлати эса хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин, бас, у меросхўрларигадир, унга эмас. Балки у унга (мол-давлатига) пойлоқчи ва қўриқчи ўрнида бўлган.

Муслимнинг «Саҳиҳ»ида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деганликлари ривоят қилинади: ***«Одам боласи: молим, молим дейди. Ахир сенга эй одам боласи, молингдан фақат еб битирганинг, кийиб эскиртирганинг ва садақа қилиб (ўзинг учун боқий) қолдирганинггина бор эмасми?!»***[14]

Бухорийнинг «Саҳиҳ»ида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деганликлари ривоят қилинади: ***«Қай бирларингиз учун меросхўрининг моли ўзининг молидан севимлироқ?»*** Улар: *«Ҳар биримиз учун ўз моли севимлироқ»*, дейишди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва

[13] Муслим (1631).
[14] Муслим (2958).

саллам): ***«Унинг моли муқаддам қилгани-****(сарф этгани)*, ***ворисининг моли эса қолдирганидир»*** - дедилар.[15]

Аллоҳ таоло деди:

مَن كَفَرَ فَعَلَيۡهِ كُفۡرُهُۥۖ وَمَنۡ عَمِلَ صَٰلِحٗا فَلِأَنفُسِهِمۡ يَمۡهَدُونَ ٤٤

«Кимда-ким кофир бўлса, куфри ўзининг бўйнидадир. Ким яхши амал қилса, бас улар ўзлари учун (жаннатдан) **жой тайёрлар**лар» (Рум: 44). Салафларнинг баъзилари айтишдики: Яъни, қабрда. Солиҳ амал қабрда ўз соҳибига жой-(замин) бўлади. Чунки банда учун дунё матоларидан кўрпа-тўшак, ёстиқ ва жой бўлмайди. Балки ҳар бир амал қилувчи ўз амалини яхши ёки ёмондан кўрпа-тўшак ва ёстиқ қилади.

Ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганликлари ворид бўлган: ***«Жаброил менга шундай деди: Эй Муҳаммад! Хоҳлаганингизча яшанг. Батаҳқиқ, сиз майитсиз. Хоҳлаганингизни суйинг. Батаҳқиқ, сиз ундан айрилгувчисиз. Хоҳлаганча амал қилинг. Батаҳқиқ, сиз унга йўлиқувчисиз»***.[16]

Аллоҳдан барчамиз учун салоҳиятли амал ва гўзал оқибат ҳамда Ўзи яхши кўриб, рози бўладиган нарсага тавфиқ сўраб қоламиз.

Арафа куни ва қиёмат кунидаги мавқифни ёдга солиш

Батаҳқиқ, ҳажнинг улкан ибрат ва ғоятда таъсирли мавқифларидан бири, Арафа ери-(ҳудуди)да, Арафа куни барча ҳожилар ҳозир бўладиган ўша улкан жамланиш-(тўпланиш) ва муборак мавқифдир. Барчалари гувоҳ бўлиш мумкин бўлган исломий йиғилишнинг энг улканида Аллоҳга «Лаббайка»ни айтган ва илтижо қилган ҳолда турадилар. Раҳматидан умид қилиб, азобидан қўрқадилар. Ундан улкан фазли-марҳаматини сўрайдилар.

Ушбу катта йиғилиш мусулмонга ё доимий неъмат ёки аламлантирувчи азобдан иборат ўз ўринларини эгаллаш учун ўрталарида ажрим қилинишини кутиб турадиган аввалгилару охиргилар учрашадиган қиёмат кунидаги катта мавқифни эслатиб юборади.

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ «Мимийя»сида шундай деди:

Ё Аллоҳ! Бу энг улкан мавқиф,
Рўбарў қилинадиган кун мавқифи каби. Балки у улканроқдир.

Рўбарў қилинадиган куннинг улканлигида шак-шубҳа йўқ. Аллоҳ таоло айтади:

وَعُرِضُواْ عَلَىٰ رَبِّكَ صَفّٗا ٤٨

«Улар саф тортган ҳолларида Роббингизга рўбарў қилиндилар» (Каҳф: 48). Субҳанаҳу деди:

يَوۡمَئِذٖ تُعۡرَضُونَ لَا تَخۡفَىٰ مِنكُمۡ خَافِيَةٞ ١٨

«Ўша Кунда сизлар (ҳисоб-китоб учун Аллоҳга) **кўндаланг қилинурсизлар — сизларнинг бирон сиringиз махфий қолмас»** (Ҳаққо: 18).

Ушбу улуғ кунда Аллоҳ барча бандаларни жамлайди.

Субҳанаҳу айтганидек:

[15] Бухорий (6442).

[16] Тоялисий (1862), Ҳоким (4/325), Албоний «Саҳиҳул Жомеъ» (4355)да «Ҳасан» даражасида деди.

لَيَجۡمَعَنَّكُمۡ إِلَىٰ يَوۡمِ ٱلۡقِيَٰمَةِ لَا رَيۡبَ فِيهِۗ ﴿٨٧﴾

«У сизларни ҳеч шак-шубҳасиз бўлган қиёмат кунида тўплайди» (Нисо: 87). Аллоҳ таоло деди:

يَوۡمَ تَجۡمَعُكُمۡ لِيَوۡمِ ٱلۡجَمۡعِۖ ذَٰلِكَ يَوۡمُ ٱلتَّغَابُنِۗ ﴿٩﴾

«(Аллоҳ) **сизларни тўплайдиган тўпланиш Кунини** (эслангиз)**! Бу** (одамлар) **бир-бирларини «алдаб-зиён етказадиган» Кундир** (яъни, ҳаёти дунёда иймон эгаларини алдаб-зиён етказиб юрган кофирлар у Кунда дўзах азобига дучор қилиниш билан ўзларининг алданган кимсалар эканликларини билиб олурлар)» (Тағобун: 9).

Ушбу тўпланишда аввалгилару кейингилар баб-баробар бўлади. Барча ушбу улкан муддатда жамлангусидир.

قُلۡ إِنَّ ٱلۡأَوَّلِينَ وَٱلۡأٓخِرِينَ ﴿٤٩﴾ لَمَجۡمُوعُونَ إِلَىٰ مِيقَٰتِ يَوۡمٖ مَّعۡلُومٖ ﴿٥٠﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сиз уларга) **айтинг: «Албатта аввалгилар ҳам, кейингилар хам маълум Кундаги белгиланган вақтга шак-шубхасиз тўпланувчидирлар»** (Воқеа: 49-50).

Ушбу тўпланишдан бирор киши ортда қолиб кетмайди. Фазода ҳалок бўлган, ер чуқурликларида адашиб-(йўқолган) ҳамда қуш ва йиртқичлар еганлар. Барча яқин келажакда тўпланажак, (бундан) қочиб-(қутулиш) йўқ. Аллоҳ таоло деди:

وَحَشَرۡنَٰهُمۡ فَلَمۡ نُغَادِرۡ مِنۡهُمۡ أَحَدٗا ﴿٤٧﴾

«(У Кунда) **Биз улардан биронтасини қўймай йиғдик»** (Каҳф: 47). Субҳанаҳу деди:

أَيۡنَ مَا تَكُونُواْ يَأۡتِ بِكُمُ ٱللَّهُ جَمِيعًاۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ﴿١٤٨﴾

«Қаерда бўлманг, Аллоҳ сизларни (ҳисоб-китоб) **учун келтиради. Албатта Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир»** (Бақара: 148). Субҳанаҳу деди:

إِن كُلُّ مَن فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ إِلَّآ ءَاتِي ٱلرَّحۡمَٰنِ عَبۡدٗا ﴿٩٣﴾ لَّقَدۡ أَحۡصَىٰهُمۡ وَعَدَّهُمۡ عَدّٗا ﴿٩٤﴾ وَكُلُّهُمۡ ءَاتِيهِ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ فَرۡدًا ﴿٩٥﴾

«Осмонлар ва ердаги бор жонзот (қиёмат кунида) **Раҳмон** (ҳузурига) **бўйинсунган ҳолда келур. У зот уларни санаб-аниқлаб қўйгандир. Уларнинг барчаси қиёмат кунида ёлғиз ҳолда У зотнинг ҳузурига келгувчидир»** (Марям: 93-95).

Яқинда ушбу ердан ўзга бир ерда тўпланадилар. Аллоҳ таоло деди:

يَوۡمَ تُبَدَّلُ ٱلۡأَرۡضُ غَيۡرَ ٱلۡأَرۡضِ وَٱلسَّمَٰوَٰتُۖ وَبَرَزُواْ لِلَّهِ ٱلۡوَٰحِدِ ٱلۡقَهَّارِ ﴿٤٨﴾

«(У) **ер бошқа ерга, осмонлар** (ўзга осмонларга) **айланиб қоладиган ҳамда** (барча одамлар) **ёлғиз ва қудратли Аллоҳга рубарў бўладиган кунда** (қиёматда)**...»** (Иброҳим: 48). Дарҳақиқат, Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар тўпланадиган ушбу ернинг васфини бизга баён қилдилар. Бухорий ва Муслим Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қиладилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деяётганларини эшитдим: ***«Одамлар қиёмат куни соф обинон каби оқ-қизғиш ерда тўпланадилар. У ерда бирор киши-***

***нинг** (маскани) **аломати бўлмас»**.[17] Яъни, теккис ерда. Унда на баландлик, на чуқурлик, на тоғ ва на қоя бор. Унда на маскан ва на бино аломати бор.

Пояфзалсиз ялангоёқ, кийимсиз яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда тўпланадилар. Бухорий ва Муслим Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қиладилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: **«*Албатта, сизлар ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда тўпланасизлар*»**. Сўнг (ушбу оятни) ўқидилар:

كَمَا بَدَأۡنَآ أَوَّلَ خَلۡقٖ نُّعِيدُهُۥۚ وَعۡدًا عَلَيۡنَآۚ إِنَّا كُنَّا فَٰعِلِينَ ١٠٤

«Биринчи марта қандай яратган бўлсак, (ўша ҳолга) **қайтарурмиз.** (Бу) **Бизнинг зиммамиздаги ваъдадир. Албатта Биз** (шундай) **қилгувчидирмиз»** (Анбиё: 104).[18]

«Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«*Одамлар қиёмат куни ялангоёқ, яланғоч, хатна қилинмаган ҳолда тўпланадилар*»** - деганларини эшитганларида шундай дедилар: *«Эй Расулуллоҳ! Эркак ва аёлларнинг барчалари бир-бирларига қарайдиларми?»* У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«*Эй Оиша! Иш, бир-бирларига қараш*(*га аҳамият қаратиш*)*дан оғирроқ бўлади*»** - дедилар.[19]

Ўша куни қуёш халойиққа яқинлашади. Ҳатто улар ўртасида бир мил миқдоричалик (масофа) қолади. Ушбу кунда Раҳмон аршининг соясидан ўзга соя бўлмас. Улар орасида арш соясида сояланган ҳамда қуёш иссиғига қараб турадиганлар бўлади. Дарҳақиқат, қуёш уни эритиб юборади ва у ерда ғам-ташвиши оғирлашади ҳамда уни қайғуга солади. Батаҳқиқ, халқлар издиҳом бўлиб, сиқилиб қолади ва бир-бирини турткилайди. Сафлар аралашиб кетади ва томоқлар чанқоқдан узила ёзади. Дарҳақиқат, ушбу мавқифларида уларга жонларининг тафти ва жасадларининг заҳма-(тиқилининч) бўлиши билан қуёшнинг иссиғи жамланади. Уларнинг тери ер юзини тўлдиради. Сўнг Раббиларининг ҳузуридаги бахт ва бахтсизлик мартаба ва манзилатларига қараб оёқларигача (тер босади). Улар орасида тер икки елка ва белигача етадиганлари бор. Улар орасида икки қулоғининг юмшоғигача ва яна улар орасида уни бутунлай тер қоплайдиганлари бор.[20] Аллоҳдан офият ва саломатлик сўраймиз.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: **«*Одамлар қиёмат куни терлайди. Ҳатто терлари ерда етмиш зирога етади. Ва у* (*тер*) *уларни қоплаб, ҳатто қулоқларига етади*»**. Бухорий ривояти.[21]

Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анҳудан ривоят, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***«Қиёмат куни қуёш халқларга яқин келади. Ҳатто улар ўртасида бир мил масофасичалик бўлади. Одамлар эса амаллари миқдорича терда бўладилар. Улар орасида тер икки тўпиғигача бўладиганлари, улар ичида тер икки тиззасигача бўладиганлари, улардан яна тер белигача бўладиганлари ҳамда улар орасида тер бутунлай қоплайдиганлари бор»*** - дея қўллари билан оғизларига ишора қилдилар.[22]

(У ерда) қолишлари миқдори-(узунлиги) эллик минг йил бўлган бир кунда бўлади. Аллоҳ таоло деди:

تَعۡرُجُ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ وَٱلرُّوحُ إِلَيۡهِ فِي يَوۡمٖ كَانَ مِقۡدَارُهُۥ خَمۡسِينَ أَلۡفَ سَنَةٖ ٤

[17] Бухорий (6521), Муслим (2790).
[18] Бухорий (3349), Муслим (2860).
[19] Бухорий (6527), Муслим (2859).
[20] Қуртубий «Тазкира» (1/357).
[21] Бухорий (6532).
[22] Муслим (2864).

«**Фаришталар ва Руҳ** (яъни Жаброил) **миқдори-узунлиги эллик минг бўлган бир Кунда** (яъни Қиёмат кунида) **У зотнинг ҳузурига кўтарилурлар**» (Маориж: 4). Муслимнинг «Саҳиҳ»ида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганликлари ривоят қилинади: «***Ҳаққини адо этмаган тилла ва кумуш соҳиби йўққи, қиёмат куни бўлганида албатта, унга дўзахдан ясси қопламалар ҳозирланиб, жаҳаннам ўтида қизитилади. Ва ўша билан ёнлари, пешоналари ва кетларига тамға босилади. Узунлиги эллик минг йил бўлган бир кунда то бандалар ўртасида ҳукм қилингунча ҳар сафар совиганда унга қайтарилади. Ва ўз йўлини ё жаннат ёки дўзах сари кўради-****(топади)***».[23]

Аллоҳ таоло ушбу туришликни иймон аҳлига енгиллатиб қўяди. Саховатли Аллоҳдан фазлу-марҳаматини сўраймиз. Ҳокимнинг «Мустадрок»ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «***Мўминлар учун қиёмат куни пешин билан аср ораси миқдорчалик бўлади***».[24]

Аллоҳ уларни фақат Ўзининг (яратган) сояси бўлган бир кунда, қуюқ сояда соялантиради. Аллоҳ субҳанаҳу ана шу улкан мавқифда шундай дейди: «***Менинг улуғлигим боис ўзаро муҳаббатлашганлар қаерда? Бугун уларни ўз соямда, Менинг соямдан ўзга соя йўқ бўлган кунда соялантираман***».[25]

Ўша куни одамлар пайғамбарлар олдига ўтиниб келадилар. Улардан Аллоҳ ҳузурида бандалар ўртасида ажрим ва ҳукмни бошлаш ҳақида шафоат талаб қиладилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқалари ўз узрларини айтадилар. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса: «***Мен у учунман***», дейдилар. Ва бориб, арш тагида оламларнинг Раббига сажда қилган ҳолда йиқиладилар. Аллоҳ у кишига, у кишидан олдин бирор кишига маълум қилмаган ҳамду саноларини ўргатади. Сўнг у киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га: «***Бошингизни кўтаринг. Сўранг, сизга берилади. Шафоат қилинг, шафоатингиз қабул этилади***», дейди. Ана шу вақт Раб жалла ва аъла бандалар ўртасида ажрим қилиш учун келади.

Аллоҳ таоло деди:

وَجَآءَ رَبُّكَ وَٱلْمَلَكُ صَفًّا صَفًّا ﴿٢٢﴾ وَجِاْىٓءَ يَوْمَئِذٍۭ بِجَهَنَّمَ ۚ يَوْمَئِذٍ يَتَذَكَّرُ ٱلْإِنسَٰنُ وَأَنَّىٰ لَهُ ٱلذِّكْرَىٰ ﴿٢٣﴾ يَقُولُ يَٰلَيْتَنِى قَدَّمْتُ لِحَيَاتِى ﴿٢٤﴾

«**Роббиингиз ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда,** (кофирлар кўришлари учун) **ўша Кунда жаҳаннамни ҳам** (яқин) **келтириб қўйилганда — ана ўша Кунда инсон** (бу кўрганларидан) **эслатма-ибрат олур!** (Аммо у Кунда) **бу эслатма-ибрат**(нинг фойдаси) **қаёқдан тегсин?! У: «Эҳ, кошки эди мен ҳаёт вақтимда** (яхши амаллар) **қилиб ўтган бўлсам», деб қолур!**» (Фажр: 22-24).

Аллоҳнинг ҳузурига ёлғиз келадиган кунингизни ёдда тутинг!
Дарҳақиқат, ҳукм тарозилари ўрнатилган.
Маъсиятлардан пардалар йиртиб ташланган.
Ҳамда гуноҳ чойшаби очиқ ҳолда келур.[26]

Сенга васф қилинган ушбу кун ва сенга сўйлаб берилган ушбу ҳолат ҳақида бир фикр юритиб кўр. Унга тайёргарлигингни кўравер. Сенга Аллоҳдан тақво қилиш лозим бўлади. Батаҳқиқ, у яхши озиқадир. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ҳаж оятларининг хотимасида шундай деди:

[23] Муслим (987).
[24] «Мустадрок» (1/84), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (8193)да саҳиҳ санади.
[25] Муслим (2566).
[26] Қуртубий «Табйин фий ат-Тазкира» (2/17).

وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّكُمۡ إِلَيۡهِ تُحۡشَرُونَ ٢٠٣

«Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, сизлар шубҳасиз Унинг ҳузурида тўпланажаксиз» (Бақара: 203).

Аллоҳ таоло биз ва сизларни Ўзининг муттақин бандаларидан қилсин. Барчамизга қиёмат кунидаги расволикдан паноҳ берсин. Ҳамда бизни қўрқинчли кунда Ўзининг фазлу марҳамати ила омон бўлувчилардан қилсин!

Ҳаж ва шайтонни хўрлаш

Имом Молик раҳимаҳуллоҳ «Муватто»да Талҳа ибн Убайдуллоҳ ибн Кариздан ривоят қилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Шайтон бирор кун Арафа кунидек энг хўрланган, энг яксон қилинган, энг ҳақир ва энг аччиғи чиққан ҳолда кўрилмаган. Бу, раҳматнинг нозил бўлиши ва Аллоҳ улкан гуноҳларни кечиб юборишини кўргани сабабидандир»***.[27] Бу «Мурсал» ҳадис.

Шариат нусусларида унинг маъноси саҳиҳ эканига далолат қиладиган бир қанча шоҳидлар мавжуд. Батаҳқиқ, шайтонни Аллоҳнинг бандалари устига раҳмат ва мағфират нозил бўлиши, У субҳанаҳу кечириб, афв қилиши ҳамда дўзахдан уларни озод қилиши, Аллоҳ бизларни ва мўминларни ундан сақласин, ғазаблантиради ва хафа қилади.

Муслим ўз «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Агар Одам боласи сажда** (ояти)**ни ўқиб, сажда қилса шайтон йиғлаганча четлашади. Ва: «Ҳолимга вой бўлсин! Одам боласи сажда қилишга буюрилди ва сажда қилди. Бас, унга жаннат бўлгай. Мен сажда қилишга буюрилдим ва бош тортдим. Бас, менга дўзах бўлгай», дейди»***.[28]

Шунинг учун Аллоҳнинг душмани инсоннинг ҳажини барбод қилиш ҳамда киши ҳажга йўл олиш ва қўзғалишининг аввалги дафъасидан бошлаб ва барча амаллари, бошқа ҳаж ибодатлари олдидан ўтиш-(оралаб кириш) орқали турли-туман йўл ва услублар билан унинг савобини қўлдан бой беришига ғоятда ҳарисдир. У бунинг учун қўшинини ҳозирлайди ва тадоригини кўриб қўяди.

Имом Мужоҳид ибн Жабр раҳимаҳуллоҳ айтади: *«Бирор бир ҳамроҳ Макка сари чиқса, албатта, иблис улар билан биргаликда уларнинг тайёргарлиги сингари ҳозирлик кўради»*. Ибн Абу Ҳотим ўз тафсирида ривоят қилди.[29]

Бунга Аллоҳ таолонинг душмани иблис ҳақидаги ушбу қавли гувоҳлик беради:

قَالَ فَبِمَآ أَغۡوَيۡتَنِي لَأَقۡعُدَنَّ لَهُمۡ صِرَٰطَكَ ٱلۡمُسۡتَقِيمَ ١٦ ثُمَّ لَأٓتِيَنَّهُم مِّنۢ بَيۡنِ أَيۡدِيهِمۡ وَمِنۡ خَلۡفِهِمۡ وَعَنۡ أَيۡمَٰنِهِمۡ وَعَن شَمَآئِلِهِمۡۖ وَلَا تَجِدُ أَكۡثَرَهُمۡ شَٰكِرِينَ ١٧

«У айтди: «Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида уларни (Одам болаларини) **кутиб ўтирурман. Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб** (тўғри йўлдан оздирурман) **ва** (оқибатда) **уларнинг кўпларини** (берган неъматларингга) **шукр қилган ҳолларида топмайсан»»** (Аъроф: 16-17).

[27] «Муватто» (1269).

[28] Муслим (81).

[29] Ибнул Қаййим «Иғоса ал-Лаҳафон» (1/109)да зикр қилди.

Авн ибн Абдуллоҳ раҳимаҳуллоҳ шундай деди: **«Сенинг тўғри йўлинг устида уларни** (Одам болаларини) **кутиб ўтирурман»**. (Яъни), *«Макка йўлида»* - деди. Бу шак-шубҳасиз Аллоҳнинг розилигига элтувчи ва жаннат неъматига олиб борувчи Унинг тўғри йўлидир. Ҳамда йўлнинг маъноси бундан кенгроқ.

Шунинг учун Ибн Жарир раҳимаҳуллоҳ деди: «*Авн айтганига келсак, гарчи у Аллоҳнинг тўғри йўлидан бўлсада, бас, у йўл (маъноси)нинг бари эмас. Балки Аллоҳнинг душмани уларни Аллоҳнинг тўғри йўлида кутиб ўтиришини хабар берди ва ундан бирини қўйиб, бошқасини хос айтгани йўқ. Чунки (у) ярамас Аллоҳнинг бандаларини, улар учун Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш мумкин бўлган ҳар бир нарсадан тўсишда бепарволик қилмайди*».[30] Сўзи тугади.

Имом Аҳмаднинг «Муснад»ида Сабра ибн Факиҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деяётганларини эшитдим: ***«Албатта, шайтон одам боласини кутиб, бир неча йўлига ўтириб олади. Уни кутиб, ислом йўлига ўтириб олади ва: «Ўз дининг ҳамда ота-боболаринг динини ташлаб, исломни қабул қиласанми?» - дейди.*** *Деди:* ***Шунда у*** *(одам боласи)* ***унга*** *(шайтонга)* ***итоатсизлик қилиб, исломни қабул қилди. Сўнг уни кутиб ҳижрат йўлига ўтириб олади. Ва: «Ўз еринг ва осмонингни ташлаб, ҳижрат қиласанми? Муҳожир қозиққа боғланган от сингари бўлади», дейди.*** *Деди:* ***Шунда у*** *(одам боласи)* ***унга*** *(шайтонга)* ***итоатсизлик қилиб, ҳижрат қилди.*** *Деди:* ***Сўнг уни кутиб, жиҳод йўлига ўтириб олади. Ва: «У жон ва молни зое қилишликдир. Жангга кирасан ва қатл қилинасан. Аёл турмушга чиқиб кетади ва мол тақсимланади-я?» - дейди.*** *Деди:* ***Шунда у*** *(одам боласи)* ***унга*** *(шайтонга)* ***итоатсизлик қилиб, жиҳод қилади.*** *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:* ***«Улардан кимки шуни қилса ва вафот этса уни жаннатга киритишлик Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақ бўлади. Ёки қатл қилинса уни жаннатга киритишлик Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақ бўлади. Агар ғарқ бўлса-****(сувда чўкса)****, уни жаннатга киритишлик Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақ бўлади. Ёки*** *(минган)* ***ҳайвонидан йиқилиб ўлса, уни жаннатга киритишлик Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақ бўлади»***.[31]

Ушбу ҳадисда шоҳид ўрни шуки, шайтон инсонни барча йўлда кутиб ўтиради. Ва у (шайтон), киши яхшиликни қасд қилганда ёки унга киришганда ниҳоятда ҳарис бўлади. Натижада уни (кишини) ана шу дамда ундан узиб-(тўхтатиб) қўйиш учун унга оғир-(ёқимсиз) қилиб қўяди.

«Саҳиҳ»да Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганликлари собит бўлган: ***«Жинлардан бўлган Ифрит намозимни бўлиш учун ўтган кеча*** *(кишанларидан)* ***чиқиб келди»***.[32] Иш банда учун фойдали ва Аллоҳга суюкли бўлгани сари шайтоннинг унга қаршилик кўрсатиши ҳам шунчалик кўп бўлади. У мўминларга ашаддий душман. Унинг ғам-ташвиш ва мақсади фақат уларнинг ақидаларини барбод қилиш, иймонларини вайрон қилиш, яқийн-(ишонч)ларини тебратиш, уларни Аллоҳнинг розилиги ва жаннатига олиб борувчи йўлдан буриб юборишликдир.

Шунинг учун Аллоҳ бизни ундан ниҳоятда ҳазир бўлишимизга чорлади. Бизга унинг хатари ва унга эргашишликнинг аянчли оқибатларини ҳамда у мўминларга душман эканини баён қилди. Уларга (мўминларга) уни душман тутишликка амр қилди. Аллоҳ таоло деди:

إِنَّ ٱلشَّيۡطَٰنَ لِلۡإِنسَٰنِ عَدُوّٞ مُّبِينٌ ۝٥

«Чунки шайтон инсон учун очиқ душмандир» (Юсуф: 5). Аллоҳ таоло деди:

---

[30] «Жомеъул Баён» (5/444).

[31] «Муснад» (15958), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (1652)да саҳиҳ санади.

[32] Бухорий (461), Муслим (541).

إِنَّ ٱلشَّيۡطَٰنَ لَكُمۡ عَدُوّٞ فَٱتَّخِذُوهُ عَدُوًّاۚ إِنَّمَا يَدۡعُواْ حِزۡبَهُۥ لِيَكُونُواْ مِنۡ أَصۡحَٰبِ ٱلسَّعِيرِ ٦

«Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас уни душман тутинглар! Шак-шубҳасиз у, ўз фирқасини (яъни ўзига эргашган кимсаларни) **дўзах эгалари бўлишлари учун даъват қилур»** (Фотир: 6). Аллоҳ таоло деди:

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَتَّبِعُواْ خُطُوَٰتِ ٱلشَّيۡطَٰنِۚ وَمَن يَتَّبِعۡ خُطُوَٰتِ ٱلشَّيۡطَٰنِ فَإِنَّهُۥ يَأۡمُرُ بِٱلۡفَحۡشَآءِ وَٱلۡمُنكَرِۚ ٢١

«Эй мўминлар, шайтоннинг изидан эргашманглар! Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта (шайтон) **бузуғлик ва ёмонликка буюрур»** (Нур: 21). Аллоҳ таоло деди:

يَٰبَنِيٓ ءَادَمَ لَا يَفۡتِنَنَّكُمُ ٱلشَّيۡطَٰنُ كَمَآ أَخۡرَجَ أَبَوَيۡكُم مِّنَ ٱلۡجَنَّةِ يَنزِعُ عَنۡهُمَا لِبَاسَهُمَا لِيُرِيَهُمَا سَوۡءَٰتِهِمَآۗ إِنَّهُۥ يَرَىٰكُمۡ هُوَ وَقَبِيلُهُۥ مِنۡ حَيۡثُ لَا تَرَوۡنَهُمۡۗ ٢٧

«Эй Одам болалари, шайтон Оталарингизнинг авратларини ўзларига кўрсатиш (яъни уятли аҳволга солиб қўйиш) **учун либосларини ечиб, жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин! Чунки у ва унинг малайлари сизларни ўзингиз билмайдиган тарафдан кўриб турадилар** (яъни қандай алдашганини сезмай қолишингиз мумкин)» (Аъроф: 27).

Ибнул Жавзий раҳимаҳуллоҳ шундай деди: «*Оқил кишига, адоватини аллақачон Одам алайҳиссалом замонидан ошкор қилган ҳамда умри ва жонини Одам болаларининг ҳолатларини барбод қилиш учун сарф этган ушбу душмандан эҳтиёт бўлиши вожиб бўлади. Дарҳақиқат, Аллоҳ ундан ҳазир бўлишга амр қилди...*».[33] Сўнг ундан ва унинг макридан ҳазир бўлишга чорлаш ҳақидаги бир қанча нусусларни ёдга олди.

У ва унинг макридан ҳазир бўлишга чорлаш борасидаги оятлар кўп. Банда Аллоҳга илтижо қилиш, Ундан у (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ сўраш, Унинг зикрини лозим тутиш ҳамда тоатига риоя қилиш билангина шайтондан сақланади. Кимда-ким Аллоҳдан паноҳ сўраса Аллоҳ уни ўз ҳифзу ҳимоясига олади.

Аллоҳ таоло деди:

وَإِمَّا يَنزَغَنَّكَ مِنَ ٱلشَّيۡطَٰنِ نَزۡغٞ فَٱسۡتَعِذۡ بِٱللَّهِۚ إِنَّهُۥ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ٢٠٠

«Агар сизни шайтоннинг васвасаси йўлдан урмоқчи бўлса, Аллоҳдан паноҳ сўранг! Албатта, У эшитувчи, билгувчидир» (Аъроф: 200). У Зот деди:

وَقُل رَّبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنۡ هَمَزَٰتِ ٱلشَّيَٰطِينِ ٩٧ وَأَعُوذُ بِكَ رَبِّ أَن يَحۡضُرُونِ ٩٨

«Ва айтинг: «Роббим, мен Сендан шайтонларнинг васвасаларидан паноҳ беришингни сўрайман. Яна мен Сендан (ё) **Роббим, улар менинг ҳузуримга келишларидан паноҳ беришингни сўрайман»»** (Мўминун: 97-98). Аллоҳ таоло деди:

[33] «Талбис Иблис» (23).

قُلۡ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلنَّاسِ ۝١ مَلِكِ ٱلنَّاسِ ۝٢ إِلَٰهِ ٱلنَّاسِ ۝٣ مِن شَرِّ ٱلۡوَسۡوَاسِ ٱلۡخَنَّاسِ ۝٤
ٱلَّذِي يُوَسۡوِسُ فِي صُدُورِ ٱلنَّاسِ ۝٥ مِنَ ٱلۡجِنَّةِ وَٱلنَّاسِ ۝٦

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**, айтинг: «Мен барча инсонларнинг Роббисидан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан** (менга) **ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган,** (қачон Аллоҳнинг номи зикр қилинганида) **яшириниб оладиган васвасачи** (шайтон)**нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман»**» (Ан-Нас: 1-6).

Имом Аҳмад ўз «Муснад»ида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади, Яҳё ибн Закариё алайҳимассалам қавмига шундай деди: «***...Ва сизларни Аллоҳни кўп зикр қилишга буюраман. Бунинг мисоли, бир кишининг мисоли кабики, душман тезлик билан унинг изига тушди. Шунда у мустаҳкам қўрғонга етиб, у ерда ҳимояланди. Батаҳқиқ, банда шайтондан энг ҳимояланган вақти, Аллоҳнинг зикрида бўлганидадир***».[34]

Шайтон Аллоҳга илтижо қилувчи, У субҳанаҳуга таянувчи иймон аҳлига бошқарувини ўтказа олмайди. Батаҳқиқ, Аллоҳ уларни ундан сақлайди ҳамда улардан унинг макри ва ёмонлигини буриб юборади. Аллоҳ таоло деди:

فَإِذَا قَرَأۡتَ ٱلۡقُرۡءَانَ فَٱسۡتَعِذۡ بِٱللَّهِ مِنَ ٱلشَّيۡطَٰنِ ٱلرَّجِيمِ ۝٩٨ إِنَّهُۥ لَيۡسَ لَهُۥ سُلۡطَٰنٌ عَلَى ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ وَعَلَىٰ رَبِّهِمۡ يَتَوَكَّلُونَ ۝٩٩ إِنَّمَا سُلۡطَٰنُهُۥ عَلَى ٱلَّذِينَ يَتَوَلَّوۡنَهُۥ وَٱلَّذِينَ هُم بِهِۦ
مُشۡرِكُونَ ۝١٠٠

«(Эй мўмин бандам)**, ҳар қачон Қуръон қироат қилсанг, албатта қувилган — малъун шайтон** (васвасаси)**дан Аллоҳ паноҳ беришини сўрагин! Албатта, иймон келтирган ва ёлғиз Роббиларига таваккул қиладиган зотлар устида** (шайтон) **учун ҳеч қандай салтанат-ҳукмронлик йўқдир. У** (шайтон)**нинг ҳукмронлиги фақат** (уни) **дўст тутиб,** (Аллоҳга) **шерик қилиб оладиган кимсалар устидадир**» (Наҳл: 98-100).

У субҳанаҳу ушбу оятда шайтонни даф қилишдаги энг кучли сабабни баён қилди. У ҳам бўлса иймон ва Аллоҳга таваккул безаги билан безанишдир. Чунки шайтон иймон келтирган ва Раббиларига таваккул қиладиган зотлар устидан ҳукмронлик қудратига эга эмасдир.

Аллоҳнинг динини теран тушунишлик шайтондан қўриқ. Чунки шаръий илм ўз соҳиби учун нур. Кимки илм нури ила кўрса, шайтоннинг тузоқ, қопқон, восита ва сабабларини билса, унинг издошлари ниҳояси ва дўстлари оқибатини билса, ундан ниҳоятда ҳазир бўлади. Уни қўйиб Аллоҳга боғланади ва унинг ёмонлигидан У субҳанаҳудан паноҳ сўрайди. Ҳамда Унинг аҳлига хавф бўлмайдиган ва улар маҳзун бўлмайдиган Аллоҳнинг тўғри йўлидан юради.

Аллоҳдан биз ва сизларга қувилган шайтондан паноҳ беришини ҳамда барчамизни тўғри йўлига бошлашини сўраймиз. Албатта, У Эшитгувчи, (дуоларни) ижобат этгувчидир.

Ҳаж ва тавба

Албатта, ҳаж тавба, Аллоҳга тазарру қилиш, гуноҳлардан халос бўлиш ва дўзахдан озод бўлиш-(қутулиш) дарвозаларидан муборак бир дарвозадир.

[34] «Муснад» (17800), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (1724)да саҳиҳ санади.

Бухорий ва Муслим ўз «Саҳиҳ»ларида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Кимда-ким ҳаж қилса ҳамда жимо ва фосиқлик қилмаса онаси туққан кунидек*** *(ортга)* ***қайтади»***.[35]

Муслим «Саҳиҳ»ида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Амр ибн Ос розияллоҳу анҳуга исломни қабул қилиш онлари шундай деганликларини ривоят қилади: ***«Ислом ўзидан олдинги нарса-****(куфр)****ни бузиб ташлашини, ҳижрат ўзидан олдинги нарса-****(гуноҳ)****ларни вайрон қилишини ҳамда ҳаж ўзидан олдинги нарсаларни бузиб ташлашини билмадингми?»***[36]

Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Умра умрагача ўрталаридаги нарсаларга каффоротдир. Мабрур-*** *(мақбул)* ***ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир»***.[37]

Муслим ўз «Саҳиҳ»ида Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Аллоҳ бирор кунда Арафа куничалик бандаларини дўзахдан кўп озод қилмаган. Батаҳқиқ, У яқинлашади сўнг улар билан фаришталарига фахрланиб: «Мана булар нима истаганди», дейди»***.[38]

Насоий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Ҳаж ва умра орасини яқин-****(қирон)* ***қилинглар. Батаҳқиқ, у иккиси гуноҳларни кетказади. Худди*** *(темирчининг)* ***босқони темирнинг кирлигини кетказгани каби»***.[39]

Ушбу ҳадисларда ҳажнинг шаъни улкан ҳамда у хатолар ўчирилиши, қоқилишлар озайиши, гуноҳлар мағфират қилиниши ва дўзахдан озод бўлиш учун улкан бир дарвоза эканига далолат мавжуд.

Мусулмон нажотга ноил бўлиш, мўл ажр ва улкан фойдаларни қўлга киритиш учун Аллоҳ азза ва жаллага тавба қилишга шошилиши вожибдир.

Аллоҳ таоло айтади:

وَتُوبُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ لَعَلَّكُمۡ تُفۡلِحُونَ ٣١

«Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) **нажот топсангизлар»** (Нур: 31). Субҳанаҳу шундай дейди:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ تُوبُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ تَوۡبَةٗ نَّصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمۡ أَن يُكَفِّرَ عَنكُمۡ سَيِّـَٔاتِكُمۡ وَيُدۡخِلَكُمۡ جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ يَوۡمَ ٨

«Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки, Роббингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур» (Таҳрим: 8). Субаҳанаҳу деди:

إِلَّا مَن تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ عَمَلٗا صَٰلِحٗا فَأُوْلَٰٓئِكَ يُبَدِّلُ ٱللَّهُ سَيِّـَٔاتِهِمۡ حَسَنَٰتٖۗ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورٗا رَّحِيمٗا ٧٠

[35] Бухорий (1820), Муслим (1350).

[36] Муслим (121).

[37] Муслим (1349).

[38] Муслим (1348).

[39] Насоий «Сунан» (5/115), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (2901)да саҳиҳ санади.

«Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, бас Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб қўюр. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир» (Фурқон: 70).

Тавба амалларнинг энг олий ва улуғларидан. У амалларнинг Аллоҳга энг суюмли ва энг мукаррамидир. Тавба қилувчилар учун У Зотда хос муҳаббат бор. Аллоҳ таоло деди:

إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلتَّوَّٰبِينَ وَيُحِبُّ ٱلۡمُتَطَهِّرِينَ ٢٢٢

«Албатта Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади» (Бақара: 222). Балки У субҳанаҳу Беҳожат, Мақталган эканига қарамай тавба қилувчининг тавбаси сабаб хурсанд бўлади.

«Саҳиҳайн»да Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Аллоҳ бандасининг тавбаси сабабли сизлардан бирингиз туясидан йиқилиб тушиб, дарҳақиқат, уни чўлда адаштириб-****(йўқотиб)* **қўйган ...дан кўра кўпроқ шодланади»***. Муслимнинг ривоятида: ***«Аллоҳ бандасининг Унга тавба қилган вақтдаги тавбаси билан, сизлардан бирингиз саҳрода туясида кетаётиб, таоми ва шароби унда бўлган ҳолатда туяси қочиб кетди. Ундан умидини узиб, бир дарахт олдига келди ва унинг соясида ёнбошлади. Дарҳақиқат, туясидан умидини узган эди. Шундай ҳолатда бўлиб турганида, туя олдига юки билан келди. Уни тизгинидан ушладида, ўта шодланганидан: «Аллоҳим, Сен мени қулимсан ва мен Сени Роббингман» деган вақтдаги кишидан ҳам ортиқроқ шодланади.*** *(Бу киши)* ***ўта шодланиб кетганидан хатога тушди»***.[40]

Маълумингиз бўлсинким, жиноят қай даражага етмасин ва гуноҳ қанчалик улкан бўлмасин тавба эшиги очиқдир. Аллоҳ таоло деди:

وَهُوَ ٱلَّذِي يَقۡبَلُ ٱلتَّوۡبَةَ عَنۡ عِبَادِهِۦ وَيَعۡفُواْ عَنِ ٱلسَّيِّـَٔاتِ وَيَعۡلَمُ مَا تَفۡعَلُونَ ٢٥

«У бандаларидан тавба-тазарруъ қабул қиладиган, ёмонликларни афв этадиган ва қиладиган ишларингизни биладиган зотдир» (Шўро: 25). Субҳанаҳу деди:

وَمَن يَعۡمَلۡ سُوٓءًا أَوۡ يَظۡلِمۡ نَفۡسَهُۥ ثُمَّ يَسۡتَغۡفِرِ ٱللَّهَ يَجِدِ ٱللَّهَ غَفُورٗا رَّحِيمٗا ١١٠

«Ким бирон бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳни мағфират қилгувчи ва меҳрибон эканини топар – кўрар» (Нисо: 110). Аллоҳ таоло деди:

۞ قُلۡ يَٰعِبَادِيَ ٱلَّذِينَ أَسۡرَفُواْ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمۡ لَا تَقۡنَطُواْ مِن رَّحۡمَةِ ٱللَّهِۚ إِنَّ ٱللَّهَ يَغۡفِرُ ٱلذُّنُوبَ جَمِيعًاۚ

إِنَّهُۥ هُوَ ٱلۡغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ٥٣

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**, Менинг ўз жонларига жиноят қилган** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ** (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) **барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир»** (Зумар: 53).

Балки Аллоҳ жалла ва аъла мунофиқлар ҳолати ҳақида шундай деди:

[40] Бухорий (6309), Муслим (2747).

إِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ فِي ٱلدَّرْكِ ٱلْأَسْفَلِ مِنَ ٱلنَّارِ وَلَن تَجِدَ لَهُمْ نَصِيرًا ﴿١٤٥﴾ إِلَّا ٱلَّذِينَ تَابُوا۟ وَأَصْلَحُوا۟ ﴿١٤٦﴾

«Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар. Ва улар учун бирон мададкор топа олмайсиз! Магар тавба килиб ўзларини ўнглаган ...» (Нисо: 145-146). Насоролар ҳақида шундай деди:

لَّقَدْ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ ثَالِثُ ثَلَٰثَةٍ ۘ وَمَا مِنْ إِلَٰهٍ إِلَّآ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ ۚ وَإِن لَّمْ يَنتَهُوا۟ عَمَّا يَقُولُونَ لَيَمَسَّنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٣﴾ أَفَلَا يَتُوبُونَ إِلَى ٱللَّهِ وَيَسْتَغْفِرُونَهُۥ ۚ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٧٤﴾

««Аллоҳ — Учтанинг (яъни Аллоҳ, Марям, Ийсонинг) **биридир», деган кимсалар ҳам аниқ кофир бўладилар. Чунки ягона ҳақ Илоҳдан бошқа бирон илоҳ йўқдир. Агар айтаётган гапларидан тўхтамасалар, албатта улардан кофир бўлган кимсаларни аламли азоб ушлайди. Ахир, Аллоҳга тавба қилиб, мағфират қилишини сўрамайдиларми?! Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон-ку!»** (Моида: 73-74). Мўминларни фитнага солиш ва уларни ўз динларидан адаштиришлик учун чоҳлар қазиган «Ухдуд»-(Чоҳ) эгалари ҳақида шундай деди:

إِنَّ ٱلَّذِينَ فَتَنُوا۟ ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ ثُمَّ لَمْ يَتُوبُوا۟ فَلَهُمْ عَذَابُ جَهَنَّمَ وَلَهُمْ عَذَابُ ٱلْحَرِيقِ ﴿١٠﴾

«Албатта мўмин ва мўминаларни фитнага солиб, (бу қилмишларидан) **тавба қилмаган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир ва улар учун ўт азоби бордир!»** (Буруж: 10).

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ шундай деди: *«Ушбу саҳоват ва жўмардликка бир боқинглар. Улар Аллоҳнинг дўстларини қатл қилдилар. У эса уларни тавба ва мағфиратга чорлаяпти»*.[41]

Шунинг учун бирор бир кишига одамларни Аллоҳнинг раҳматидан ноумид қилиши ҳалол бўлмайди. Гуноҳлари қай даражага етиб, кўп ва турли-туман бўлсада. Худди унга уларни маъсиятларни қилиш ва гуноҳларга қўл уришга журъат уйғотиши ҳалол бўлмаганидек.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дедилар: *«Кимда-ким шундан кейин Аллоҳнинг бандаларини тавбадан ноумид қилса, дарҳақиқат, Аллоҳ азза ва жалланинг Китобини инкор қилибди»*.[42]

Бандага вақт ўтиб кетмасидан олдин тавбага шошилиши ва уни рўёбга чиқаришга тезлашиши лозим бўлади. У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Аллоҳ азза ва жалла бандасининг тавбасини модомики** (жони)* **ҳалқумига келмаган экан, албатта, қабул қилади»***. Термизий ривояти.[43] У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Кимда-ким қуёш ботар томонидан чиқишидан олдин тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади»***. Муслим ривояти.[44]

Шунингдек, банда барча гуноҳдан тавба қилиши ҳамда тавбаси қабул бўлиши учун тавба шартларини тўла бажариши вожибдир.

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ буюк китоби бўлмиш «Риёз ас-Солиҳийн»да шундай деди: *«Уламолар деди: Ҳар бир гуноҳдан тавба қилиш (лозим). Агар маъсият банда билан Аллоҳ таоло ўртасида бўлиб, одам зотига боғлиқ бўлмаса, бас, унинг уч шарти бор:*

<u>Биринчи:</u> Маъсиятдан қутулиш;

---

[41] Ибн Касир ўз тафсири (8/393)да зикр қилди.

[42] Ибн Касир ўз тафсири (7/99)да зикр қилди.

[43] Термизий «Сунан» (3537), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (1903)да «Ҳасан» даражасида деди.

[44] Муслим (2703).

Иккинчи: Унга қўл урганига надомат чекиш;

Учинчи: Унга асло қайтиб қўл урмасликка азму қарор қилиш.

Агар уч (шарт)нинг бири топилмаса тавба саҳиҳ бўлмайди. Агар маъсият одам боласига тааллуқли бўлса, бас, унинг шарти тўртадир. Ушбу (юқоридаги) учтаси ҳамда соҳиби ҳаққидан озод бўлмоқлик. Агар мол ёки шунга ўхшаш нарса бўлса уни унга қайтаради. Агар бузуқликда айблаш ҳадди ва шунга ўхшаш нарса бўлса унга имкон беради ёки афв қилишини сўрайди. Агар гийбат бўлса ундан кечирим сўрайди. Ҳамда барча гуноҳлардан тавба қилиши вожиб бўлади. Агар айримларидан тавба қилса, ҳақ аҳли наздида ана шу гуноҳидан тавбаси саҳиҳ бўлади ва зиммасида қолгани қолади».[45] Сўзи тугади.

Аллоҳдан барчага чинакам тавба қилиш, тавбаларимизни қабул айлаш, гуноҳларимизни ювиш ҳамда дуоларимизни ижобат қилиш ила марҳамат кўрсатишини сўраймиз. Албатта, У Эшитгувчи (дуларни) ижобат қилгувчидир.

Ҳаж ва таваккул

Дарҳақиқат, ҳаж Аллоҳнинг чақириғига ижобат қилиш, савобига рағбат, улуғ ваъдаси, мўлкўл тортиғи ва тўла ажрига ноил бўлишга умид этган ҳолда ернинг энг яхши ва энг шарафлиси сари муборак саёҳат ва улкан сафардир. У гуноҳлар тўкилиши, саййиотлар каффорот қилиниши, ҳасанотлар зиёда бўлиши, қоқилишлар кечирилиши ва дўзахдан озод бўлиш учун кенг дарвозадир.

Кимда-ким уйидан ҳаж сари чиқса, Раббисига таянган, Унга таваккул қилган ҳамда ишларнинг бари Унинг қазои қадари билан бўлиши, У хоҳлагани бўлиб, хоҳламагани бўлмаслиги, барча куч ва қувват Олий, Буюк Аллоҳ билан эканини билгани боис ишини Унга топширган, Унинг ёлғиз Ўзидан мадад, тавфиқ ва ҳидоят сўраган ҳолатда чиқади. Ва у шу билан бирга ўзи билан озуқасини кўтариб олади ҳамда Аллоҳнинг раҳмати ва савобига эришиш йўлида сабабни ишга солади.

Аллоҳ азза ва жалланинг ҳаж оятлари сиёқидаги ушбу қавлини бир мулоҳаза қилиб кўринг:

وَتَزَوَّدُواْ فَإِنَّ خَيۡرَ ٱلزَّادِ ٱلتَّقۡوَىٰۚ ١٩٧

«Ва (ҳаж қилиш учун йўлга тушишдан аввал зарур озуқа билан) **таъминланиб олинг! Энг яхши озуқа** (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) **Аллоҳдан қўрқишдир»** (Бақара: 197). Дарҳақиқат, ушбу оят нозил бўлиш сабаби борасида ворид бўлишича, одамлар озуқасиз ҳажга чиққан эканлар. Ва бу, таваккулнинг ҳақиқати деб биладилар. Сўнг одамларга қараб қоладилар ва улардан сўрашга ҳожатлари тушади.

Бухорий ўз «Саҳиҳ»ида Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади: *«Яман аҳли ҳаж қиладилар ва озуқаланишмайди. Ҳамда: «Биз таваккул қилувчилармиз», дейдилар. Маккага кириб келганларида эса одамлардан сўрайдилар. Шунда Аллоҳ таоло (ушбу оятни) нозил қилди:*

وَتَزَوَّدُواْ فَإِنَّ خَيۡرَ ٱلزَّادِ ٱلتَّقۡوَىٰۚ ١٩٧

«Ва (ҳаж қилиш учун йўлга тушишдан аввал зарур озуқа билан) **таъминланиб олинг! Энг яхши озуқа** (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) **Аллоҳдан қўрқишдир»»**.[46]

[45] «Риёз ас-Солиҳийн» (7).

[46] Бухорий (1523).

Ибн Абу ад-Дунё «Таваккул» китобида Муовия ибн Қуррадан ривоят қилади: *«Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) Яман аҳлини учратиб: «Ким сизлар?» - деди. Улар: «Биз таваккул қилувчилармиз», дедилар. У киши: «Балки сизлар лоқайдлик қилувчиларсиз. Таваккул қилувчи – ерга уруғ ташлайдида Аллоҳ азза ва жаллага таваккул қилади», деди»*.[47]

Таваккулнинг ҳақиқати қалб амали ҳамда Унга таянган, Унга ишонган, Унга илтижо қилган, ишини тўла топшириб қўйган ва У субҳанаҳунинг Ўзи етарли экани, бандаси Унга ишларини тўла топширган вақти унга яхшиликни ихтиёр қилишини билгани боис У унинг учун нимани ҳукм қилса шунга рози бўлган ҳолда Аллоҳга қуллик бажо қилишидир. Шу билан бирга буюрилган сабабларни қоим қилиш ҳамда унга эришиш ва уни қўлга киритишликда тиришишликдир. Ана шу таваккулнинг ҳақиқатидир: Шериги йўқ, ёлғиз Аллоҳга таяниш. Ва шу билан бирга буюрилган сабабларни бажариш.

Одамлар бу олий мақомда уч қисмга бўлинади: икки ён тараф ва ўрта. Икки ён тарафнинг бири: Таваккулга риоя қиламан дея сабабни бекор қилди. Иккинчи ён тараф: Сабабга риоя қиламан дея таваккулни бекор қилди. Ўрта эса: Таваккулнинг ҳақиқати фақат сабабни қоим қилиш билангина эканини билди. Ҳамда ушбу сабабнинг айни ўзида Аллоҳга таваккул қилди. У иккиси икки асос бўлиб, таваккулни рўёбга чиқариш учун иккиси бўлмоғи лозим.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг мана бу қавли каби кўплаб нусусларда ушбу улкан икки асос ўртаси жамланган:

فَٱعۡبُدۡهُ وَتَوَكَّلۡ عَلَيۡهِۚ ﴿١٢٣﴾

«Бас, Унга ибодат қилинг ва Ўзига суянинг!» (Ҳуд: 123). Ва ушбу қавли:

إِيَّاكَ نَعۡبُدُ وَإِيَّاكَ نَسۡتَعِينُ ﴿٥﴾

«Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз» (Фотиҳа: 5). Ҳамда шунга ўхшаш оятлар.

Муслим ўз «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Кучли мўмин кучсиз мўминдан яхши ва Аллоҳга суюмлироқдир. Барида яхшилик бор. Ўзинга фойдали бўлган нарсага ҳарис бўл, Аллоҳдан мадад сўра ва ожизлик қилма»***.[48]

У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ушбу қавларида: ***«Ўзинга фойдали бўлган нарсага ҳарис бўл»***, ҳар бир диний ва дунёвий сабабга буйруқ мавжуд. Балки унда бу борада жидду жаҳд қилишлик ҳамда ният, қасд ва феълан унга ҳарис бўлишга амр бор. Ушбу қавларида эса: ***«Аллоҳдан мадад сўра»***, Аллоҳнинг қазои қадарига иймон келтириш ҳамда унга таваккул қилиш, Унга таяниш ва У субҳанаҳуга ишонишликка амр бор.

Термизий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: *«Бир киши: «Эй Расулуллоҳ! Уни боғлаб таваккул қиламанми ёки уни ечиб қўйиб таваккул қиламанми?» - деди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга:* ***«Уни боғлаб таваккул қил»*** *- дедилар»*.[49] У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни икки иш ўртасини жамлашликка, сабабни бажариш ва Аллоҳ азза ва жаллага таянишга йўлладилар.

Яна Термизий Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилганингизда, албатта, сизларни эрта оч кетиб, кеч тўқ қайтадиган қушни ризқлантиргани каби ризқланти-***

[47] «Таваккул» (10).

[48] Муслим (2664).

[49] Термизий (2517).

рарди».[50] Икки ишни бирга ёд этдилар. Чунки қушни эрта тонгда кетиши, у ризқ талабида саъй-ҳаракат қилиши, уни қўлга киритишликда жидду жаҳд қилишидир.

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳга: «*Уйида ёки масжидда ўтириб олиб: Олдимга ризқим келгунча бирор нарса қилмайман, дейдиган киши ҳақида нима дейсиз*», дейилди. Аҳмад: «*Бу кимса илмдан жоҳил қолган экан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллямнинг ушбу қавлларини эшитмаганмикин:* ***«Албатта, Аллоҳ ризқимни найзам сояси остида қилди»****. Ва қушни зикр қилганларида шундай дедилар:* ***«Эрта оч кетиб, кеч тўқ қайтадиган»***» - деди.[51]

Шу билан маълум бўлмоқдаки, таваккулда икки иш ўртасини жамлаш шарт. Сабабни бажариш ва Аллоҳ азза ва жаллага таяниш. Сабабни бекор қилиб, ўзини таваккул қилувчи эканини даъво қилаётган кимсага келсак, бас, у ҳақиқатда лоқайд-(беғам), алдангандир. Унинг бу қилмиши фақат ожизлик, сусткашликка йўл қўйиш ва зое қилишликдир. Мисол учун бир киши айтсаки: Агар менга тақдир қилинган бўлса хоҳ тиришай, хоҳ тиришмай барибир илмга етишаман ёки агар менга фарзанд тақдир қилинган бўлса хоҳ турмуш қурай ёки турмуш қурмай фарзанд ҳосил бўлади. Мева ёки ҳосилни қўлга киритишни чопиқ, уруғ ва суғоришсиз умид қилган кимса худди шундай. Ҳамда қадарга ишонган ҳолда аҳли ва фарзандини бирор нафақа ва озуқасиз ташлаб кетган ва бу борада саъй-ҳаракат қилмайдиган кимса ҳам худди шундай. Буларнинг бари зое қилиш, камчиликка йўл қўйиш, эътиборсизлик ва лоқайдликдир.

Ибн Қудома раҳимаҳуллоҳ шундай деди: «*Гоҳида айрим инсонлар таваккулнинг маъноси тана билан касбу кор қилишни ташлаш, қалб ила тадбир қилишни тарк этиш ҳамда қийқим-(бир парча латта) каби ва тўнка устидаги гўшт каби ерга тушиш деб ўйлайдилар. Бу, жоҳилларнинг гумони. Батаҳқиқ, бу шариатда ҳаромдир*».[52] Сўзи тугади.

Аммо кимки сабабга боққан, унга таянган, сабабни вужудга келтирувчидан ғофил, Ундан юз ўгирган ҳолатда сабабни адо этса, бас, унинг бу таваккули ожизлик, ютқазиқ, ниҳояси зое бўлиш ва маҳрумликдир. Шунинг учун баъзи уламолар айтишганки: «*Сабабларга қайрилиб қарашлик тавҳиддаги ширк. Сабаблар сабаб бўлишини ўчириб ташлаш эса ақлдаги ноқисликдир. Сабаблардан бутунлай бош тортиш шариатга таҳқир етказишдир. Балки таваккул ва умид тавҳид, ақл ва шариат асосларидан ташкил топган маънодир*».

Аллоҳга таваккул қилишлик чинакам мўминнинг барча диний ва дунёвий ишларидаги ҳамроҳидир. У унга намоз, рўза, ҳаж, эзгулик ва бундан бошқа дин ишларида ҳамроҳ. Ва унга ризқни жалб қилиш, мубоҳ (касб)ни талаб қилиш ва бундан бошқа дунё ишларида ҳам ҳамроҳдир.

Таваккул жамийки дин мақомларининг асли. Диннинг таваккулга нисбатан тутган ўрни жасаднинг бошга нисбатан тутган ўрни каби. Бош фақат танада тургани сингари, иймон, унинг ўрин ва амаллари таваккул тана-(поя)сида туради.

Аллоҳ таоло бизни Унга ҳақиқий таваккул қилувчи ҳамда Унга чинакам ва яқийнан таянувчилардан қилсин. Унинг ёлғиз ўзи бизга кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир.

Ҳаж ва тақво

Дарҳақиқат, Аллоҳ азза ва жалла ҳаж оятлари оз бўлишига қарамай, (уларда) тақвога кўп бора васият қилди. Чунки ҳажда, ундан ўзгасида ҳосил бўлмайдиган тақво сабаблари ҳосил бўлади. Бу эса ҳаж ҳақиқати ва унинг мағзини теран фаҳмлаш ила бўлади. Батаҳқиқ, Бақара сурасидаги ҳаж оятлари сиёқида Аллоҳдан тақво қилишга такрор-такрор васият қилинди.

[50] Термизий «Сунан» (2344), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (5254)да саҳиҳ санади.

[51] Ибн Қудома «Мухтасар Минҳож ал-Қосидин» (95)да зикр қилди.

[52] «Мухтасар Минҳож ал-Қосидин» (361).

Ушбу оятларнинг биринчисида Аллоҳ таоло деди:

وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلۡعِقَابِ ١٩٦

«Аллоҳдан қўрқингиз! Ва билингки, Аллоҳ — азоби қаттиқ зотдир» (Бақара: 196). Ушбу оятлар асносида субҳанаҳу шундай деди:

وَتَزَوَّدُواْ فَإِنَّ خَيۡرَ ٱلزَّادِ ٱلتَّقۡوَىٰۚ وَٱتَّقُونِ يَٰٓأُوْلِي ٱلۡأَلۡبَٰبِ ١٩٧

«Ва (ҳаж қилиш учун йўлга тушишдан аввал зарур озуқа билан) **таъминланиб олинг! Энг яхши озуқа** (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) **Аллоҳдан қўрқишдир. Мендан қўрқингиз, эй аҳли донишлар!»** (Бақара: 197). Ва У жалла ва аъла ҳаж оятларини мана бу қавли билан хатм қилди:

وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّكُمۡ إِلَيۡهِ تُحۡشَرُونَ ٢٠٣

«Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, сизлар шубҳасиз Унинг ҳузурида тўпланажаксиз» (Бақара: 203).

Тақво энг улкан васият ва қиёмат куни учун энг яхши озуқадир. У, Аллоҳнинг махлуқотларидан аввалгилару охиргиларига васияти. У субҳанаҳу айтганидек:

وَلَقَدۡ وَصَّيۡنَا ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ مِن قَبۡلِكُمۡ وَإِيَّاكُمۡ أَنِ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَۚ ١٣١

«Биз сизлардан илгари Китоб берилган зотларга ҳам, сизларга ҳам Аллоҳдан қўрқинглар, деб амр қилдик» (Нисо: 131). Ҳамда улуғ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз умматига васиятидир. Дарҳақиқат, у киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор кичик гуруҳ(қўшин)га амир сайласалар, уни хоссатан ўзи ҳақида Аллоҳдан тақво қилишга ҳамда ўзи билан бирга бўлган мусулмонларга яхшилик қилишга васият қилардилар. Хутбаларида ҳам бунга кўп бора васият қилардилар. Видолашув ҳажида қурбонлик куни одамларга хутба қилган онлари уларни Аллоҳдан тақво қилишга васият қилдилар. Салафлар ҳам мудом бир-бирларини унга васият қилардилар. Чунки у Аллоҳнинг ризвонига етишда энг яхши озуқа. Бир киши Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга: *«Аллоҳдан тақво қилинг»*, деди. Умар (розияллоҳу анҳу) унга шундай дея жавоб бердилар: *«Агар шундай демасангиз сизларда яхшилик йўқ. Агар биз уни қабул қилмасак бизда яхшилик йўқ»*. Бу борада салафлардан нақл қилингани кўпдир.[53]

Тақвонинг ўз аҳлига дунёю охиратда улкан манфаатлари, улуғ самаралари ва мўл-кўл фойдалари бор. Фойдали илмнинг ҳосил бўлиши унинг самараларидан биридир. Аллоҳ таоло деди:

وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَۖ وَيُعَلِّمُكُمُ ٱللَّهُۗ ٢٨٢

«Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳ сизларга (ҳақ-ҳидоят йўлини) **билдиради»** (Бақара: 282). Аллоҳ таоло деди:

إِن تَتَّقُواْ ٱللَّهَ يَجۡعَل لَّكُمۡ فُرۡقَانٗا ٢٩

«Агар Аллоҳдан қўрқсангизлар, сизлар учун ҳақ билан ноҳақни ажратадиган ҳидоят ато қилур» (Анфол: 29). Фитналардан чиқиш, пок ризқнинг ҳосил қилиниши ва ишларни осонлашиши ҳам унинг самараларидан. Аллоҳ таоло деди:

[53] Ибн Ражаб «Жомеъул Уълум вал Ҳикам» (150-151).

وَمَن يَتَّقِ ٱللَّهَ يَجۡعَل لَّهُۥ مَخۡرَجٗا ۝٢ وَيَرۡزُقۡهُ مِنۡ حَيۡثُ لَا يَحۡتَسِبُۚ ۝٣

«Ким Аллоҳдан қўрқса, У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) **чиқар йўлни** (пайдо) **қилур. Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур»** (Талоқ: 2-3). Субҳанаҳу деди:

وَمَن يَتَّقِ ٱللَّهَ يَجۡعَل لَّهُۥ مِنۡ أَمۡرِهِۦ يُسۡرٗا ۝٤

«Ким Аллоҳдан қўрқса (Аллоҳ) **унинг ишини осон қилур»** (Талоқ: 4). Яна унинг самараларидан:

إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلۡمُتَّقِينَ ۝٤

«Албатта, Аллоҳ тақво қилгувчи зотларни севар» (Тавба: 4). Ҳамда:

وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلۡمُتَّقِينَ ۝١٩٤

«Билингларки, Аллоҳ Ўзидан қўрқувчилар билан биргадир» (Бақара: 194). Нажотга эришиш ва мағфират қилиниш ила бахт қучиш ҳам унинг самараларидан. Аллоҳ таоло деди:

وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمۡ تُفۡلِحُونَ ۝١٨٩

«Ва Аллоҳдан қўрқинг! Шояд нажот топсангиз» (Бақара: 189). Аллоҳ таоло деди:

وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ۝٦٩

«Ва Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир» (Анфол: 69). Дунё ва охиратда олий бўлиш ҳам унинг самараларидан. Аллоҳ таоло деди:

وَٱلَّذِينَ ٱتَّقَوۡاْ فَوۡقَهُمۡ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِۗ ۝٢١٢

«Ҳолбуки, қиёмат кунида тақводор кишилар улардан баланддир» (Бақара: 212). Гўзал оқибатнинг ҳосил бўлиши. Аллоҳ таоло деди:

وَٱلۡعَٰقِبَةُ لِلۡمُتَّقِينَ ۝١٢٨

«Оқибат-натижа эса тақводорларники (Аллоҳдан қўрққанларники) **бўлур»** (Аъроф: 128). Аллоҳнинг жаннатига дохил бўлиш ва У Зотни кўришга мушарраф бўлиш унинг энг олий самараларидан. Аллоҳ таоло деди:

إِنَّ ٱلۡمُتَّقِينَ فِي جَنَّٰتٖ وَنَهَرٖ ۝٥٤ فِي مَقۡعَدِ صِدۡقٍ عِندَ مَلِيكٖ مُّقۡتَدِرِۢ ۝٥٥

«Албатта тақводор зотлар жаннатларда ва дарёлар (усти)**да Қодир Подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўринда бўлурлар»** (Қамар: 54-55).

Тақвонинг самаралари чексиз ва фазилатлари саноқсиз. Аллоҳнинг ҳузурида одамларнинг энг мукаррами У субҳанаҳудан кўпроқ тақво қилувчиларидир. Аллоҳ таоло деди:

إِنَّ أَكۡرَمَكُمۡ عِندَ ٱللَّهِ أَتۡقَىٰكُمۡۚ ۝١٣

«Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлирагингиз тақводорроғингиздир» (Ҳужурот: 13).

Аллоҳ жалла ва аъладан тақво қилиш – банда Унинг ғазаби ва иқобидан иборат хавфсираётган ва қўрқаётганларидан ўзини сақлайдиган сақлов тутмоқғидир. Бу фақат буйруқларни бажариш ва қайтариқлардан четлашиш ила бўлади. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтганидек: «*Муттақинлар Аллоҳ уларга ҳаром қилган нарсалардан сақланадилар ҳамда уларга фарз қилинганларни адо этадилар*». Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ шундай деди: «*Аллоҳдан тақво қилиш кундузлари рўза ва кечалари қоим бўлиш билан булар орасида аралаштириб юборишлик-(гуноҳга қўл уришлик) эмас. Бироқ Аллоҳдан тақво қилиш Аллоҳ ҳаром қилганларини ташлаш ва Аллоҳ фарз қилганларини адо этмоқдир*». Толқ ибн Ҳабиб раҳимаҳуллоҳ шундай деди: «*Тақво – Аллоҳнинг тоатини Аллоҳ томонидан бўлган нур асосида Аллоҳнинг савобини умид қилган ҳолда қилишинг. Ҳамда Аллоҳга маъсият қилишни Аллоҳ томонидан бўлган нур асосида Аллоҳнинг жазосидан қўрққан ҳолда тарк этишингдир*».[54]

Тақвонинг асоси, у киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек қалбдир: «***Тақво мана бу ерда, дея уч марттa муборак кўкракларига ишора қилдилар***».[55] Қачонки банда қалбини ўнгласа, ана шунга тобе ўлароқ бутун жасади ўнгланади. Қачонки қалб Аллоҳнинг тоатига бўйинсунса аъзолар ҳам бўйинсунади. У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: «***Огоҳ бўлинг! Жасадда бир парча гўшт бор. Агар у ўнгланса бутун жасад ўнгланади. Агар у бузилса бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлин! У қалбдир***».[56]

Аллоҳ жалла ва аъла сурат ва молларингизга боқмайди. Балки У қалб ва амалларингизга қарайди. Муслимнинг «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «***Албатта, Аллоҳ сурат ва молларингизга боқмайди, балки У қалб ва амалларингизга қарайди***».[57]

Бандага тақвони рўёбга чиқариш ва унга аҳамият беришида ўлим, Аллоҳнинг ҳузурида туриш, жазо-мукофот, ҳисоб ҳамда жаннат ва дўзахни ёдга олиши кўмакчи вазифасини ўтайди. Дарҳақиқат, мана бу сўзлар қандай ҳам гўзал (маъноси):

Ажабки, жаннат ва дўзахни биламиз,
Бироқ ана унга (жаннатга) муштоқ ёки ана ундан (дўзахдан) ҳазир бўлмаймиз.
Агар на хавф, на иштиёқ ва на ҳаё бўлмаса,
Бизда ёдга оларли нима яхшилик қолди?!
На иссиқ ва на совуққа сабр қиламиз,
Эй қавм! Унда дўзахга қандай бардош берамиз?!
Сўқирларча шарафлини ҳақирга сотамиз,
Бизда на ақл ва чароғон фаҳм-фаросат бор.
Қаноат ва тақво ато этилган кишига шодлик бўлсин,
Вақтларини Аллоҳнинг тоати ила тўлдиради.

Батаҳқиқ, Аллоҳнинг ҳаж оятларида такрор-такрор тақвога васият қилиши ва субҳанаҳунинг аҳли донишни тақвога чорлаши шунга далолат қиладики, ақл ва фаросат эгаларига, дарҳақиқат, Аллоҳ уларни ҳаж ила мукаррам айлади, ушбу улкан маросимларда, улардан Аллоҳнинг тақвосини истифода қилишлари учун ақл ва фаросатларини ишга солишлари лозим бўлади. Ҳаж тақво учун улкан бир мактаб ҳамда унинг дарвозаларидан улуғ бир дарвозадир.

Аллоҳ уни ҳаж ила мукаррам айлаган кишига ҳажидан Аллоҳдан тақво қилишни истифода қилиши, ундаги муборак озуқасидан озуқаланиши, унинг чучук (таъмли) чашмасидан сипқириши, ҳажини жимо, фосиқлик ва мужодаладан сақлаш ила Аллоҳдан тақво қилиши, вақтни ҳар қандай тубанликдан сақлаш ҳамда уни Аллоҳнинг зикри ва фойдали сўз билан

[54] Ибн Ражаб «Жомеъул Улум вал Ҳикам» (149).
[55] Муслим (2564).
[56] Бухорий (52), Муслим (1599).
[57] Муслим (2514).

машғул қилиш ила Аллоҳдан қўрқиши, суннатга эргашиш ва бутун умматнинг энг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларини лозим тутишга ҳарис бўлиш ҳамда бидъат ва (динда) янги чиққан нарсалардан ҳазир бўлиш билан Аллоҳдан тақво қилиши, бирор енгилтаклик ва лоқайдликка йўл қўймай рукн, вожиб ва мустаҳабдан иборат жамийки ҳаж амалларига риоя қилишда Аллоҳдан қўрқиши, динини теран тушуниб етиш ҳамда ибодатини онгли равишда адо этиш билан Аллоҳдан тақво қилиши, ҳожи ва улардан бошқа мусулмон биродарлари ҳаққида Аллоҳдан қўрқиши ҳамда уларга барча яхшиликда кўмакчи бўлиши, уларга очиқ чеҳра, соф қалб ва ширинсуханлик билан пешвоз чиқиши, каттани ҳурмат қилиш, кичикка раҳм қилиш, билимсизга таълим бериш, адашиб қолганга йўл-йўриқ кўрсатиш билан Аллоҳдан тақво қилиши, тилини сақлаш, кўзини қуйи солиш ва қўлини тийиш ила Аллоҳдан қўрқиши, фириб, ёлғон, ҳудбинлик, ҳақорат, оғзи шалоқлик ва бадгумондан четлашиш билан Аллоҳдан тақво қилиши вожибдир.

Ҳажида тақводан насиба ва улуши улкан бўлгани сари ажру савоб ва гуноҳлар мағфират қилинишидан насиба ва улуши улкан бўлиб бораверади. Аллоҳ таоло айтганидек:

فَمَن تَعَجَّلَ فِي يَوۡمَيۡنِ فَلَآ إِثۡمَ عَلَيۡهِۖ وَمَن تَأَخَّرَ فَلَآ إِثۡمَ عَلَيۡهِۚ لِمَنِ ٱتَّقَىٰۗ ﴿٢٠٣﴾

«**Ким икки кунда шошилиб** (зикрни тўхтатса) **унга гуноҳ йўқ, ким кейинда** (учинчи кунга ҳам) **қолса, унга-да гуноҳ йўқдир.** (Мазкур ҳукмлар) **тақводор кишилар учундир**» (Бақара: 203). Яъни, Аллоҳ унинг гуноҳларини ўчиргани учун унга гуноҳ йўқ, агар ҳажида Аллоҳдан тақво қилган, Аллоҳ четлашишга буюрганларидан четлашган, Аллоҳ бажаришга буюрганларини бажарган ҳамда У Зот уни мукаллаф қилган ҳудудларни адо этиш билан Унга бўйинсунган бўлса.

Аллоҳ барчамизни муттақинлардан қилсин ҳамда Ўзининг тўғри йўлидан юришимизни таъминласин. Албатта, У Эшитгувчи, (дуоларни) ижобат қилгувчидир.

Ҳаж ва иймон зиёдалашиши

Дарҳақиқат, ҳажда нафсни ўнглаш, қалбни тарбиялаш ва иймон зиёдалашиши учун кенг ўрин мавжуд. Ҳажда, қалблар Аллоҳга иқбол қилиши, қаттиқ рағбат, қўрқув, умид ва хавфсираши ҳамда (гуноҳдан) қайтиши ва кўп-кўп тавба тазарру қилиши учун қанчадан-қанча ажойиб дарслар ва таъсирли ибратлар бор. Ҳажда қанчадан-қанча чинакам тўкилган кўз ёшлар, қанчадан-қанча қабул қилинган рост тавба, кечирилган қоқилиш, ўчирилган хато ҳамда қанчадан-қанча ижобат қилинган хокисор дуо ва дўзахдан озод этилган бўйинлар бор.

Китоб ва суннатдаги ҳажга боғлиқ ҳужжатларни чуқур мулоҳаза қилар эканмиз, унда банда учун салоҳият ва ҳажида, балки ҳаётининг барида покланиб олишини рўёбга чиқарадиган улкан ўлчов ва ҳикматли кўрсатмаларни топамиз. Аллоҳ таолонинг ушбу қавли каби:

ٱلۡحَجُّ أَشۡهُرٞ مَّعۡلُومَٰتٞۚ فَمَن فَرَضَ فِيهِنَّ ٱلۡحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِي ٱلۡحَجِّۗ وَمَا تَفۡعَلُواْ مِنۡ خَيۡرٖ يَعۡلَمۡهُ ٱللَّهُۗ وَتَزَوَّدُواْ فَإِنَّ خَيۡرَ ٱلزَّادِ ٱلتَّقۡوَىٰۚ وَٱتَّقُونِ يَٰٓأُوْلِي ٱلۡأَلۡبَٰبِ ﴿١٩٧﴾

«**Ҳаж** (мавсуми) **маълум ойлардир.** (Яъни Шаввол, Зулқаъжа ва Зулҳижжа ойининг ўн куни)**. Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса** (ҳаж қилишни ният қилса)**, ҳаж давомида** (жуфтига) **яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Аллоҳ билади. Ва** (ҳаж қилиш учун йўлга тушишдан аввал зарур озуқа

билан) **таъминланиб олинг! Энг яхши озуқа** (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) **тақводир. Менга тақво қилинг, эй аҳли донишлар!**» (Бақара: 197).

Ушбу: «**Ҳаж давомида** (жуфтига) **яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди**», қайтариқларида нафсни жиловлаш ҳамда ўзининг хоҳиш ва шаҳватларига оғиб кетишидан тўсишга қанчадан-қанча даъват ва йўлланма бор. У субҳанаҳунинг ушбу: «**Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Аллоҳ билади**», қавлида яхшиликларни қилишга шошилиш ва тоатларни адо этишда мусобақа қилишга қанчадан-қанча даъват бор. Аллоҳ таолонинг ушбу: «**Ва** (ҳаж қилиш учун йўлга тушишдан аввал зарур озуқа билан) **таъминланиб олинг! Энг яхши озуқа** (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) **тақводир**», қавлида сафари давомида озуқасини ўзи билан олган мусофирнинг ҳолати каби қиёмат куни учун озуқаланиб олишга ҳозирлик ва тайёргарлик кўриш учун қанчадан-қанча даъват мавжуд.

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: *«Одамлар яратилганларидан бери мудом сафардадирлар. Улар учун жаннат ёки дўзахдан ўзга бу сафарларида (тўхташ) нуқтаси йўқ. Оқил, сафар машаққат ва хатарларни босиб ўтишга асосланганини билади. Одатда сафарда неъмат, лаззат ва роҳатни талаб қилиш маҳолдир. Балки бу сафар интиҳо топгандан кейин бўлгай»*.[58]

Бироқ бандага қиёмат куни учун озуқаланишдан машғул қиладиган (мақсаддан) бурувчи, қўлни банд қилувчи ва чалғитувчи нарсалар учрайди. Ва иймонининг салобати, жамоли ва тириклигини кетказади. Дарҳақиқат, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам, иймон инсон ичида эскириши, натижада банда уни янгилаш ва уни кучайтиришликда саъй-ҳаракат қилишга муҳтож экани хабарини бердилар. Ҳоким «Мустадрок»да, Табароний «Мўъжам ал-Кабир»да Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Батаҳқиқ, иймон сизлардан биригиз ичида худди кийим эскиргани сингари эскиради. Бас, Аллоҳдан қалбларингиздаги иймонни янгилаб беришини сўранглар»***.[59] У киши алайҳиссалоту вассалам, иймон кийим эскиргани сингари эскиради дея васф қилдилар. Яъни, эскиради, заифлашади ҳамда банда бу дунёда йўлиқадиган фитна ва чалғитувчи нарсалар, қўл урган гуноҳ ва маъсиятлар оқибатида унга мадорсизлик ва нуқсон киради. У киши алайҳиссалоту вассалам иймонни қаровсиз ташлаб қўймаслик ва уни кучайтириш йўлида амал қилиш ҳамда Аллоҳдан уни зиёда ва собитқадам қилишини сўрашликка йўлладилар. Аллоҳ таоло айтади:

وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ حَبَّبَ إِلَيۡكُمُ ٱلۡإِيمَٰنَ وَزَيَّنَهُۥ فِي قُلُوبِكُمۡ وَكَرَّهَ إِلَيۡكُمُ ٱلۡكُفۡرَ وَٱلۡفُسُوقَ وَٱلۡعِصۡيَانَۚ
أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلرَّٰشِدُونَ ٧ فَضۡلٗا مِّنَ ٱللَّهِ وَنِعۡمَةٗۚ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ٨

«**Лекин Аллоҳ сизларга** (иймони комил, тақво имтиҳонидан ўтган зотларга) **иймонни суюкли қилди ва уни дилларингизга чиройли кўрсатди ҳамда сизларга куфрни,** (Аллоҳ ва пайғамбарга) **итоатсизликни ва исённи ёмон кўрсатиб қўйди. Ана ўшаларгина** (яъни иймон йўлида собитқадам бўлиб, куфр-исённи ёмон кўрган кишиларгина)**, Тўғри йўлга юргувчи зотлардир.** (Бу) **Аллоҳ томонидан бўлган фазлу марҳамат ва неъматдир. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир»** (Ҳужурот: 7-8). Банда учун ўзидаги энг қиммат, энг бебаҳо ва Раббиси субҳанаҳу ва таолога йўлиқишда энг яхши озуқа бўлган иймони борасида ўзига нисбатан самимий бўлиши хайрдир.

[58] «Фавоид» (190).

[59] «Мустадрок» (1/4), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (1590)да саҳиҳ санади.

Иймонни кучайтириш ўринлари ҳамда уни зиёдалашиши сабаблари бир қанча ва турлича. Ана шу улкан ўринлардан бири ҳаждир. У ўзидан олдинги нарса-(гуноҳ)ларни яксон қилади. Мақбул ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир.

Кимда-ким уни (жуфти билан) қўшилиш ва маъсиятга қўл урмай адо этса, онаси туққан кунидек гуноҳларидан чиқади. У, (темирчининг) босқони темир кирлигини йўқ қилгани каби гуноҳларни йўқ қилади. Бу борада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дан саҳиҳ ҳадислар ворид бўлганидек.

Ҳаж кўплаб одамларнинг ҳаётида ёмон ҳолатдан яхшига ва яхши ҳолатдан унданда яхшисига бир неча бор ўзгариш нуқтаси бўлган. Бунга гувоҳ бўладиган ҳамда уни таъкидлайдиган ҳодисалар сон-саноқдиздир.

Қанчадан-қанча ҳожилар ҳажда (дуо) ижобат бўлиш ўринларини истаб, бўйинсунган, ҳокисор, Унинг улкан фазлини умид этган ҳолда икки қўлини Раббисига кўтариб, Ундан қалбидаги иймонини янгилаши ва уни собитқадам қилиши, ундан ошкора ва яширин фитналарни буриб юбориши, унинг дини, дунёси ва охиратини ислоҳ қилиши, уни Қуръон зийнати ила зийнатлаши ҳамда уни тўғри йўлдан бораётган етакчилардан қилишини сўрайди.

Аллоҳ азза ва жалла, Унга дуо қилган бандасининг умидини пучга чиқармайди ҳамда Унга муножот қилган бандани рад этмайди. У субҳанаҳу шундай дейди:

وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِى عَنِّى فَإِنِّى قَرِيبٌ ۖ أُجِيبُ دَعْوَةَ ٱلدَّاعِ إِذَا دَعَانِ ۖ فَلْيَسْتَجِيبُوا۟ لِى وَلْيُؤْمِنُوا۟ بِى لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ ﴿١٨٦﴾

«Бандаларим Сиздан (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларининг дуосини ижобат қиламан. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун** (улар ҳам) **Менинг** (даъватимга) **жавоб қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар»** (Бақара: 186). Ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганликлари собит бўлган: ***«Ҳаж ва умра қилувчилар Аллоҳнинг меҳмонларидир. У Зот уларни чорлади, улар У Зотни ижобат қилдилар. Ҳамда У Зотдан сўрадилар ва У уларга ато этди»***.[60]

Аллоҳ уни ҳаж ила мукаррам айлаган кишига ҳажида Раббисига бўйин эгувчи, Унга тавозе қилган, раҳмат ва мағфиратини умид қилган, азоби ва ғазабидан қўрққан ҳолда Унинг ҳузурида синиқ қалб билан турувчи, қўл урган ҳар бир гуноҳи ва оёғи билан босиб ўтган ҳар бир хатосидан тавба қилувчи, ҳажи сабаб яхши томонга ўзгариши ҳамда аҳли ва юртига яхши ҳолатда қайтиши учун зикр, дуо, истиғфор ва ёлборишни кўпайтирган бўлиши муносибдир. Натижада Раббисидан иймонда сабот ҳамда фитналардан саломат қолишни сўраган ҳолатда ҳотиржам қалб, тавба-тазарру қилувчи нафс ва бўйинсунувчи дил ила тоат, салоҳият ва тўғри-(устиворлик) билан кўрк очган ҳаётининг янги саҳифасини бошлайди.

Ахир ҳожига ҳажидан фойдага эришиш ва истифода қилиш учун ушбу улуғ, буюк ишга огоҳ бўлиши муносиб эмасми? Айниқса ушбу ҳаётда иймонни заифлаштирадиган кўплаб ишлар бўлган бир кезда. Бизга нима бўлдики, иймонни кучайтириш, уни тўла, мукаммал қилиш учун ушбу муборак дарвозадан истифода қилмаймиз? Батаҳқиқ, ҳаж иймондир. Унда воқеъ бўладиган тортиқ ва камолотлар, буларнинг бари иймонга камол ва қувватдир.

Муваффақ, мўмин банда мудом икки улкан иш ва икки олий мақсадни рўёбга чиқаришда саъй-ҳаракат олиб боради:

---

[60] Баззор «Кашф ал-Астор»да ворид бўлганидек ўз «Муснад»и (1153)да ривоят қилди. Албоний раҳимаҳуллоҳ «Силсила ас-Саҳиҳа» (1820)да «Ҳасан» даражасида деди.

Бири: Иймон ва унинг тармоқ-(шохча)ларини рўёбга чиқариш ҳамда у илм ва амал нуқтаи назаридан амалга ошиши.

Иккинчи: Уни йўққа чиқарадиган ва бузадиган ёки уни нуқсонли қиладиган ошкора ва яширин фитналардан даф қилишда ҳаракат қилиш. Аввал бошда унга етган путур, кейинчалик ботиниб (қўл урган) нарсаларини чинакам тавба ҳамда ишни қўлдан кетишдан олдин тузатиш билан даволайди.

Ушбу икки ишни Аллоҳ таолонинг ушбу қавлида бир мулоҳаза қилиб кўр:

فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِي ٱلۡحَجِّۗ وَمَا تَفۡعَلُواْ مِنۡ خَيۡرٖ يَعۡلَمۡهُ ٱللَّهُۗ وَتَزَوَّدُواْ فَإِنَّ خَيۡرَ ٱلزَّادِ ٱلتَّقۡوَىٰۚ وَٱتَّقُونِ يَٰٓأُوْلِي ٱلۡأَلۡبَٰبِ ١٩٧

«Ҳаж давомида (жуфтига) **яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Аллоҳ билади. Ва** (ҳаж қилиш учун йўлга тушишдан аввал зарур озуқа билан) **таъминланиб олинг! Энг яхши озуқа** (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) **Аллоҳдан қўрқишдир. Мендан қўрқингиз, эй аҳли донишлар!»** (Бақара: 197). У Субҳанаҳу икки ишни зикр қилди. Барбод қилувчи ва нуқсонлаштирувчи нарсаларни даф қилиш ҳамда яхшилик ва камолотни қўлга киритишда ҳаракат қилиш.

Аллоҳ жалла ва аълодан барчамиз учун ишимизнинг тизгини бўлган динимизни ислоҳ қилишини, унда ҳаётимиз бўлган дунёимизни ўнглашини, қайтиб борадиган жойимиз бўлмиш охиратимизни ислоҳ қилишини, ҳаётни биз учун барча яхшиликда ортиқ-(зиёда) ҳамда ўлимни барча ёмонликда роҳатга айлантиришини, бизни иймон зийнати ила зийнатлашини ҳамда бизни ўзи ҳам адашган, ўзгаларни ҳам адаштирадиган эмас, (аксинча) тўғри йўлдаги етакчилардан қилишини сўраб қоламиз. Албатта, У субҳанаҳу дуоларни Эшитгувчи ва умид боғлашликка лойиқдир. Унинг ёлғиз ўзи бизга кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир.

Ҳаж ва Аллоҳнинг чақириғини ижобат қилиш

Дарҳақиқат, ҳаж улкан тоат ва олий ибодатдир. Унда убудият-(Аллоҳга қуллик бажо келтириш)ни рўёбга чиқариш, Раб азза ва жалла олдида ҳокисорлик, бўйинсуниш ва қалб синиқлигидаги комиллик бор. Ҳожи дунё лаззатлари ва маҳбуботларидан воз кечган, мол-дунё, аҳли-оила ва ҳеш-акрабони тарк этган, ўз хонадони ва ватанидан ғурбатда, ўзининг одатланган либосини ечиб, изор ва ридо кийган, бош кийимсиз, Раббисига мутавозе, ҳушбўй ва аёлларни тарк этган, Раббисининг раҳматини умид қилган ва азобидан қўрққан ҳолда итоаткор қалб, ёшланган кўз ва зикр қилувчи тил ила ҳаж ибодатлари ўтиладиган ўринлар оралаб кўчиб ўтувчи бўлган ҳолда Раббиси сари чиқади. Ушбу (ҳолатлар)нинг баридаги шиори «Лаббайка Аллоҳумма Лаббайк»дир. Яъни, албатта, мен Сенга бўйин эгувчиман, эй Раб! Нидоингни ижобат қилувчи, ҳукмингга бўйинсунувчи ва амрингга итоат қилувчиман.

Талбия-(«Лаббайка»ни айтиш) ҳаж шиоридир. Мусулмон ҳаж амалларини талбия билан бошлайди. Талбия айтган ҳолда Маккага бориб, «Байтуллоҳ»гача етади ва тавоф қилишга киришади. Сўнг у ҳар сафар рукндан рукнга ва бир ҳаж ибодатидан бошқасига кўчганда талбия айтади. Арафа сари юрганда талбия айтади. Муздалифа сари юрганда талбия айтади. То катта жамра-(«Жамратул Ақаба»)га тош отгунча Мино сари юрганда талбия айтади. (Шу ерга етганда) талбия айтишни тўхтатади. Демак, талбия ҳаж шиори ва ҳаж амалларида кўчиб ўтишликдир.

Ана шу (амал)нинг мусулмон учун нафсини поклаш, уни ислоҳ қилиш ҳамда Аллоҳнинг буйруғи ва У субҳанаҳунинг ҳуқуқларини адо этишда йўл қўйган камчиликларини муолажа қилишда қанчалар ҳам муборак таъсири бор.

Ахир мусулмонга ҳар доим Аллоҳнинг нидосига лаббай деювчи, буйруғини ижобат қилувчи, ҳукмига бўйинсунувчи бўлишлиги вожиб эмасми? Ахир мусулмонга тоатларнинг баридаги шаъни Аллоҳнинг нидосига лаббай деювчи ва унинг амрини мустажоб қилувчи бўлишлиги вожиб эмасми?

Дарҳақиқат, Аллоҳ бандаларини намоз, закот, рўза, садақа, вафодорлик, омонатдорлик, эзгулик ва яхшилик қилишга амр қилди. Ҳамда уларни зино, қатл, маст қилувчи ичимлик ичиш, ёлғон, фириб билан муомала қилиш ва хиёнатдан қайтарди. Мусулмонни ушбу буйруқ ва қайтариқларга нисбатан шаъни қандай? У Аллоҳнинг амрига лаббай деювчи, У субҳанаҳунинг тоатини адо этувчими ёки буларни фосиқлик ва исён билан қарши олувчими?

Исломнинг ҳақиқати – Аллоҳга тавҳид ила таслим бўлиш, Унга тоат ила бўйинсуниш ҳамда ширк ва унинг аҳлидан пок-(безор) бўлишликдир. Аллоҳ таоло айтади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱدۡخُلُواْ فِي ٱلسِّلۡمِ كَآفَّةٗ وَلَا تَتَّبِعُواْ خُطُوَٰتِ ٱلشَّيۡطَٰنِۚ إِنَّهُۥ لَكُمۡ عَدُوّٞ مُّبِينٞ ٢٠٨

«Эй мўминлар, тўла ҳолдаги исломга киринглар! (Яъни, исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз)**! Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир»** (Бақара: 208).

Мужоҳид (раҳимаҳуллоҳ) шундай деди: *«Яъни, барча амал ва эзгулик турларига амал қилинглар»*.[61]

У субҳанаҳу уларни иймон тармоқлари ва ислом шиорларининг барига амр қилди. Улар кўп бўлиб, улардан қодир бўлганча (амал қиладилар). Аллоҳ таоло айтганидек:

فَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ مَا ٱسۡتَطَعۡتُمۡ ١٦

«Бас, кучларингиз етганича Аллоҳдан қўрқинглар» (Тағобун: 16). Ҳадисда (ворид бўлишича): **«*Агар мен сизларни бирор нарсага буюрсам, бас, уни кучларингиз етганча адо этинглар*»**. Аллоҳга тўла таслим бўлиш, Унинг чақириғига лаббай дейиш, буйруқларига итоат қилиш, тоатини лозим тутишга буюрувчи оятлар жуда кўпдир.

Эй, Аллоҳ сенга ҳажни амр қилган (биродар)! Мана нидога лаббай дединг, Унинг эски уйини қасд қилган, раҳматидан умид ва азобидан қўрққан ҳолда келдинг. Қолган буйруқларга нисбатан улушинг қандай? Диннинг устуни ҳамда икки шаҳодат калимасидан кейинги унинг энг улкан рукнларидан бўлмиш намозга нисбатан шаънинг қандай? Рўзага нисбатан шаънинг қандай? Закотга нисбатан шаънинг қандай? Қайтариқлардан узоқлашиш ва ҳаром ишларни тарк этишга нисбатан шаънинг қандай? Агар итоаткор бўлсанг, бас, Аллоҳга ҳамд айт ва Ундан зиёдалик сўра! Агар камчиликка йўл қўювчи, зое қилувчи бўлсанг, бас, ваъид куни ҳисоб қилинишингдан олдин нафсингни сарҳисоб қил! Батаҳқиқ, бугун амал бор, ҳисоб йўқ. Эртага эса ҳисоб бор, амал йўқ. Аллоҳ таоло «Ҳадис ал-Қудсий»да шундай дейди: **«*Эй бандаларим! Албатта, у амалларингиз бўлиб, Мен уларни сизлар учун ҳисоблаб қўйганман. Сўнг уларни сизларга тўла-тўкис қайтараман. Кимки яхшилик топса, бас, Аллоҳга ҳамд айтсин. Кимдакким бундан бошқасини топса, бас, фақат ўзини маломат қилсин*»**.[62]

[61] Ибн Касир ўз тафсири (1/361)да зикр қилди.

[62] Муслим (2577).

Одамлар буйруқ ва қайтариқларга нисбатан бир неча ҳолатларга бўлинади: Улар орасида тоатларни бажаришга лаббай дейдиган ва маъсиятларга қўл уришдан тийиладиганлари бор. Бу, дин аҳли ҳолатларининг энг мукаммали ва муттақинлар сифатининг энг афзалидир. Улар ичида тоатларни бажаришдан тийиладиганлари ва маъсиятларга қўл уришга киришадиганлари бор. Бу, мукаллафлар ҳолатининг энг тубани ҳамда у буюрилган тоатни бажаришдан лоқайдлик қилувчининг азоби ва қўл урган маъсиятларига журъат қилувчининг азобига мустаҳиқдир. Улар орасида тоатларни бажаришга лаббай деювчи ва маъсиятларга қўл уришга киришувчилари ҳам бор. Бу эса журъат қилувчининг азобига лойиқ. Чунки у шаҳватни маъсиятларга киришиш устидан ғолиб келгани боис камчиликка йўл қўйди. Улардан яна тоатларни бажаришдан тийиладиган ва маъсиятларни қилишдан қўлини тортадиганлари бор. Бу эса динига эътиборсиз бўлувчининг азобига муносибдир.

Мусулмонга ўзига нисбатан самимий бўлиши, Раббиси тоатига риоя қилиши, Унинг амрига итоат қилиши, қайтариғидан узоқ бўлиши, сабр қилиб, (ажрни) Унинг ҳузуридан умид қилиши вожибдир.

Салафлардан бири шундай деди: «*Дарҳақиқат, биз назар ташладик ва Аллоҳ таолонинг тоатига сабр қилиш Унинг азобига сабр қилишдан енгилроқ эканини топдик*». Бошқалари шундай деди: «*Эй Аллоҳнинг бандалари! Сизлар учун унинг савобидан беҳожатлик йўқ бўлган амал устида сабр қилинглар. Ҳамда сизлар учун унинг иқобидан сабр қилиш йўқ бўлган амалдан (тийилишда) сабр қилинглар*».

Инсон ушбу ҳаёти дунёда танасига зиён етказадиган ва сиҳатига салбий таъсир қиладиган ишлардан қанчалар ҳам ҳимояланади. Ваҳоланки Аллоҳнинг иқобига олиб борувчи ва оқибати Унинг азоби бўлган ишлардан ҳимояланмайди.

Ибн Шибрима шундай деди: «*Дард етишидан хавфсираб покиза нарсалардан сақланган кишига ажабландим. Ахир дўзахдан хавфсираган ҳолда маъсиятлардан нечун сақланмайди*».

Ҳаммод ибн Зайд шундай деди: «*Таомлардан, унинг зарари боис сақланган кимсадан ажабландим. Ахир гуноҳлардан, унинг шармандалиги боис нечун сақланмайди*».[63]

Эй талбия айтувчи, муваффақ биродарим! Юқорида ўтганларнинг барини бир ўйлаб кўр. Шу билан бирга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг талбия айтувчилар жамоасига васиятлари борасида чуқур мулоҳаза қилиб кўр. Термизий ва бошқалар Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни видолашув ҳажида шундай хутба қилганларини эшитдим, айтдиларки: ***«Раббингиз Аллоҳдан тақво қилинглар. Беш вақт намозингизни ўқинглар. Бир ой рўзангизни тутинглар. Молларингизнинг закотини ўтанглар. Ҳукмдорларингизга бўйинсунинглар,*** *(шунда)* ***Раббингизнинг жаннатига кирасизлар»***. Термизий деди: «*Бу «Ҳасан саҳиҳ» ҳадис*». Ҳоким ривоят қилди ва деди: «*Муслимнинг шартига кўра саҳиҳ*». Ва Заҳабий унга мувофиқ келди.[64]

Аллоҳ жалла ва аълодан биз ва сизларни У субҳанаҳунинг нидосига ҳақиқатда ва чинакамига лаббай деювчилардан қилишини, бизни нафсимиз рушду-ҳидоятига илҳом бағш этишини ҳамда бизни Ўзининг тоатига муваффақ қилишини сўраймиз. Албатта, У Эшитгувчи, (дуларни) ижобат қилгувчидир.

Ҳаж ва зикр

Дарҳақиқат, Аллоҳ бандалари учун ҳажни, У субҳанаҳу зикрини қоим қилиш учун жорий қилди. Зикр ҳаждан мақсад қилинган нарсадир. Балки у жамийки тоатлардан мақсад қилин-

[63] Мавридий «Одоб ад-Дунё ва ад-Дин» (103-104).

[64] Термизий «Сунан» (616), «Мустадрок» (1/9).

ганидир. Ибодатлар фақат унинг учун жорий қилинди. Аллоҳга қурбат ҳосил қилувчилар унинг ўхшашичалик (бирор нарса) билан қурбат ҳосил қилишмаган. Ҳажнинг бари Аллоҳни зикр қилишдир.

Аллоҳ таоло деди:

وَأَذِّن فِي ٱلنَّاسِ بِٱلۡحَجِّ يَأۡتُوكَ رِجَالٗا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٖ يَأۡتِينَ مِن كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٖ ٢٧ لِّيَشۡهَدُواْ مَنَٰفِعَ لَهُمۡ وَيَذۡكُرُواْ ٱسۡمَ ٱللَّهِ فِيٓ أَيَّامٖ مَّعۡلُومَٰتٍ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُم مِّنۢ بَهِيمَةِ ٱلۡأَنۡعَٰمِۖ فَكُلُواْ مِنۡهَا وَأَطۡعِمُواْ ٱلۡبَآئِسَ ٱلۡفَقِيرَ ٢٨

«Ва одамлар орасида (юриб уларни) **ҳажга чақиргин, улар сенга** (яъни сенинг даъватингга жавобан) **яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар. Улар ўзлари учун бўлган** (диний ва дунёвий) **манфаатларга шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда** (яъни Қурбон ҳайити кунларида Аллоҳ) **уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини** (қурбонлик учун сўйиш) **устида Аллоҳ номини зикр қилиш учун** (келурлар)**. Бас, ундан ўзларингиз ҳам еявергинлар, бечора камбағалларга ҳам едиринглар»** (Ҳаж: 27-28). Аллоҳ таоло деди:

لَيۡسَ عَلَيۡكُمۡ جُنَاحٌ أَن تَبۡتَغُواْ فَضۡلٗا مِّن رَّبِّكُمۡۚ فَإِذَآ أَفَضۡتُم مِّنۡ عَرَفَٰتٖ فَٱذۡكُرُواْ ٱللَّهَ عِندَ ٱلۡمَشۡعَرِ ٱلۡحَرَامِۖ وَٱذۡكُرُوهُ كَمَا هَدَىٰكُمۡ وَإِن كُنتُم مِّن قَبۡلِهِۦ لَمِنَ ٱلضَّآلِّينَ ١٩٨ ثُمَّ أَفِيضُواْ مِنۡ حَيۡثُ أَفَاضَ ٱلنَّاسُ وَٱسۡتَغۡفِرُواْ ٱللَّهَۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ١٩٩ فَإِذَا قَضَيۡتُم مَّنَاسِكَكُمۡ فَٱذۡكُرُواْ ٱللَّهَ كَذِكۡرِكُمۡ ءَابَآءَكُمۡ أَوۡ أَشَدَّ ذِكۡرٗاۗ فَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَقُولُ رَبَّنَآ ءَاتِنَا فِي ٱلدُّنۡيَا وَمَا لَهُۥ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ مِنۡ خَلَٰقٖ ٢٠٠ وَمِنۡهُم مَّن يَقُولُ رَبَّنَآ ءَاتِنَا فِي ٱلدُّنۡيَا حَسَنَةٗ وَفِي ٱلۡأٓخِرَةِ حَسَنَةٗ وَقِنَا عَذَابَ ٱلنَّارِ ٢٠١ أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ نَصِيبٞ مِّمَّا كَسَبُواْۚ وَٱللَّهُ سَرِيعُ ٱلۡحِسَابِ ٢٠٢ ۞ وَٱذۡكُرُواْ ٱللَّهَ فِيٓ أَيَّامٖ مَّعۡدُودَٰتٖۚ فَمَن تَعَجَّلَ فِي يَوۡمَيۡنِ فَلَآ إِثۡمَ عَلَيۡهِ وَمَن تَأَخَّرَ فَلَآ إِثۡمَ عَلَيۡهِۚ لِمَنِ ٱتَّقَىٰۗ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّكُمۡ إِلَيۡهِ تُحۡشَرُونَ ٢٠٣

«(Ҳаж сафарида тижорат қилиш билан) **Роббингиздан фазлу карам исташингиздан сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир. Энди Арафотдан** (Макка яқинидаги тоғ) **тушганингиздан кейин Машъар-ул-ҳаромда Аллоҳни зикр қилинг! У зот сизларни — гарчи илгари адашганлардан бўлган эсангиз-да — ҳақ йўлга ҳидоят қилгани янглиғ сизлар ҳам у зотни эсланг — зикр қилинг! Сўнгра одамлар тушган томондан тушинглар ва Аллоҳдан** (гуноҳларингизни) **мағфират қилишини сўранглар! Албатта Аллоҳ мағфират қилгувчи, раҳмлидир. Энди, маросимларингизни адо қилиб бўлгач, Аллоҳни аждодларингизни эслагандек, балки ундан-да қаттиқроқ эсланг! Зотан одамлар орасида шундай кимсалар**

борки, «Эй Парвардигор, бизга мана шу дунёда берган», дейди. Ҳолбуки, унинг учун Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ. Ва уларнинг орасида шундай зотлар ҳам борки, «Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилган, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин», дейдилар. Ана ўша зотлар учун қилган ибодатлари (ҳаж, дуолари) **шарофатидан насиба бор. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи зотдир. Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилингиз! Ким икки кунда шошилиб** (зикрни тўхтатса) **унга гуноҳ йўқ, ким кейинда** (учинчи кунга ҳам) **қолса, унга-да гуноҳ йўқдир.** (Мазкур ҳукмлар) **тақводор кишилар учундир. Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, сизлар шубҳасиз Унинг ҳузурида тўпланажаксиз»** (Бақара: 198-203).

Ҳажнинг барча ўринларида Аллоҳ азза ва жалла зикрини лозим тутишга ушбу улкан васият ва олий буйруқни бир мулоҳаза қилиб кўринг. Арафада туришликда зикрга буюрди. Машъарул Ҳаром-(Муздалифа)да зикрга буюрди. Жонликларни сўйишда зикрга буюрди. Ташриқ кунлари зикрга буюрди. Демак, зикр ушбу амаллардан қасд қилинганидир. Балки амаллар фақат У субҳанаҳунинг зикрини қоим қилиш учун жорий қилинган.

Дарҳақиқат, Абу Довуд ва бошқалар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганликларини ривоят қилишди: ***«Албатта, «Байт**(уллоҳ)**»ни тавоф қилиш, Сафо ва Марва орасида саъй қилиш ҳамда тош отиш Аллоҳ азза ва жалла зикрини қоим қилиш учун** (жорий) **қилинди»***.[65]

Ушбу (ҳадис)да зикрнинг шаъни олий, манзилати баланд ва қадри улуғ ҳамда у ибодатлардан мақсад қилингани ва мағзи эканига далолат бор.

Аллоҳ азза ва жалла намоз ҳақида шундай деди:

وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ لِذِكۡرِيٓ ﴿١٤﴾

«Ва Мени зикр қилиш учун намозни тўкис адо қил!» (Тоҳа: 14). Яъни, намозни Аллоҳ азза ва жаллани ёдга олиш учун тўкис адо қил. У субҳанаҳу намозни зикр деб атади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَوٰةِ مِن يَوۡمِ ٱلۡجُمُعَةِ فَٱسۡعَوۡاْ إِلَىٰ ذِكۡرِ ٱللَّهِ ﴿٩﴾

«Эй мўминлар, қачон Жумъа кунидаги намозга чорланса (яъни азон айтилса)**, дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар»** (Жумъа: 9). Чунки Аллоҳни зикр қилиш намознинг руҳи, мағзи ва ҳақиқатидир. Жамийки ибодатлардаги зикрнинг шаъни ана шундай. Ҳар бир ибодатда одамларнинг ажри улканроғи, унда Аллоҳ азза ва жаллани кўпроқ зикр қилганларидир.

Имом Аҳмад ва Табароний Абдуллоҳ ибн Лаҳийъанинг (санад) йўлидан ривоят қиладилар: Заббон ибн Фоид, Саҳл ибн Муоз ибн Анас ал-Жуҳанийдан, у эса отасидан шундай ҳадис айтди. Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга савол йўллаб: *«Эй Расулуллоҳ! Қайси жиҳоднинг ажри улканроқ?»*, деди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Аллоҳ табарока ва таолони кўпроқ зикр қилганлари»*** - дедилар. У: *«Рўзадоларнинг ажри кўпроғи қайсилари?»* - деди. У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***«Аллоҳни кўпроқ зикр қилганлари»*** -дедилар. Сўнг бизга намоз, закот, ҳаж ва садақани ёдга олиб, буларнинг барида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***«Аллоҳни кўпроқ зикр қилганлари»*** - дедилар. Шунда Абу Бакр Умарга (розияллоҳу анҳумо): *«Эй Абу Ҳафс! Зикр қилувчилар барча яхшиликни олиб кетишди»*, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***«Худди шундай»*** - дедилар.[66]

[65] Абу Довуд «Сунан» (1888), Термизий «Сунан» (902) ва: *«Ҳасан саҳиҳ»* - деди.

[66] «Муснад» (15614), Табароний «Мўъжам ал-Кабир» (20/407-рақам).

Ҳайсамий деди: *«У ерда (санадда) Заббон ибн Фоид бор ва у заиф. Гоҳида ишонч ҳам билдирилган (сиқа дейилган). Шунингдек, ибн Лаҳийъа»*.[67]

Бироқ ҳадисни саҳиҳ иснодли «Мурсал» шоҳиди бор. Ибн Муборак «Зуҳд»да шундай деди: «Ҳайва менга шундай хабар айтди, Зуҳра ибн Маъбад Абу Саъид ал-Мақбурийни шундай деяётганини айтди: *«Эй Расулуллоҳ! Қайси ҳожининг ажри улканроқ?»* - дейилди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Аллоҳни кўпроқ зикр қилгани»*** - дедилар. У: *«Қайси намозхоннинг ажри улканроқ?»*, деди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Аллоҳни кўпроқ зикр қилгани»*** - дедилар. У: *«Қайси рўзадорнинг ажри улканроқ?»*, деди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Аллоҳни кўпроқ зикр қилгани»*** - дедилар. У: *«Қайси мужоҳиднинг ажри улканроқ?»*, деди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Аллоҳни кўпроқ зикр қилгани»*** -дедилар». Зуҳра айтади: Абу Саъид ал-Мақбурий менга шундай хабар берди: Умар ибн Хаттоб Абу Бакрга (розияллоҳу анҳумо): *«Зикр қилувчилар барча яхшиликни олиб кетди»* - деди.[68]

Унинг Ибнул Қаййим «Ал-Вабил ас-Соййиб» китобида келтирган бошқа бир шоҳиди ҳам бор: Дарҳақиқат, Ибн Абу ад-Дунё «Мурсал» ҳадис зикр қилди: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга: *«Масжид аҳлининг қай бири яхшироқ?»* - дея савол берилди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Аллоҳ азза ва жаллани кўпроқ зикр қилганлари»*** - дедилар. *«Жаноза аҳлининг қай бири яхшироқ?»* - дейилди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Аллоҳ азза ва жаллани кўпроқ зикр қилганлари»*** - дедилар. *«Мужоҳидларнинг қай бири яхшироқ?»* -дейилди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Аллоҳ азза ва жаллани кўпроқ зикр қилганлари»*** - дедилар. *«Ҳожиларнинг қай бири яхшироқ?»* - дейилди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Аллоҳ азза ва жаллани кўпроқ зикр қилганлари»*** - дедилар. *«Беморни бориб кўрувчиларнинг қай бири яхшироқ?»* - дейилди. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Аллоҳ азза ва жаллани кўпроқ зикр қилганлари»*** - дедилар. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу): *«Зикр қилувчилар яхшиликнинг барини олиб кетди»* - дедилар».[69]

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ шундай деди: *«Ҳар бир амал аҳлининг энг афзали, унда Аллоҳ азза ва жаллани кўпроқ зикр қилганларидир. Рўзадорларнинг афзали рўзаларида Аллоҳ азза ва жаллани кўпроқ зикр қилганлари. Садақа қилувчиларнинг афзали Аллоҳ азза ва жаллани кўпроқ зикр қилганлари. Ҳожиларнинг афзаллари Аллоҳ азза ва жаллани кўпроқ зикр қилганлари. Қолган амаллар ҳам худди шундай»*.[70]

Ана шуни билган бўлсангиз, бас, барча тоатларда, намоз, рўза, ҳаж ва жамийки ибодатларингизда Аллоҳ зикрини лозим тутишга ошиқинг. Батаҳқиқ, ҳар бир ибодатдаги ажрингиз, унда Аллоҳни зикр қилганингиз ҳисобичадир.

Демак, зикр энг олий тоат ва энг улкан ибодатдир. Зикрнинг ўз аҳлига самаралари кўп, чексиз. Энг улкан самараси, у қалб тириклиги, нафс тарбияси ва дил покланиши учун муборак восита. У, зокир қалбга шоду ҳуррамлик ва роҳат олиб киради. Қалбга сакинат ва ҳотиржамлик бағш этади. Аллоҳ таоло айтганидек:

ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَتَطۡمَئِنُّ قُلُوبُهُم بِذِكۡرِ ٱللَّهِۗ أَلَا بِذِكۡرِ ٱللَّهِ تَطۡمَئِنُّ ٱلۡقُلُوبُ ٢٨

«Улар иймон келтирган қалблари Аллоҳни зикр қилиш — эслаш билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур» (Раъд: 28). У қалбга шифо, касаллигига малҳам ҳамда қалб қотишини кетказувчидир. Қалбда қотиш-(бағритош)лик мавжуд бўлиб, уни Аллоҳ таолони зикр қилишгина кетказади. Бир киши Ҳасан

[67] «Мажмаъ аз-Заваид» (10/74).
[68] «Зуҳд» (1429).
[69] «Ал-Вабил ас-Соййиб» (152).
[70] «Ал-Вабил ас-Соййиб» (152).

Басрий раҳимаҳуллоҳ ҳузурига келиб: «*Эй Абу Саъид! Сизга қалбим қотганлигидан шикоят қиламан*» - деди. У киши эса: «*Уни зикр билан кетказ*» - дедилар.[71]

Зикр сабабли ишлар енгиллашади, қийинчиликлар осонлашади. Бирор қийин, оғир ва машаққатли иш устида Аллоҳ зикр қилинса, албатта, у осонлашади, енгиллашади ҳамда шиддат бўлса, албатта, кетади ва офат бўлса, албатта, арийди.

Аллоҳ биз ва сизларни зокирлардан қилсин. Бизни ғофилларнинг йўлидан четлаштирсин. Албатта, У дуоларни Эшитгувчи, умид боғлашга ҳақли. Унинг ёлғиз ўзи бизга кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир.

Ҳаж ва уламоларнинг ўрни

Ҳажда ҳар бир кўзи очиқ киши учун намоён бўладиган ажойиб сабоқлардан бири уламоларнинг ўрни, мақомлари юқори, қадр ва манзилатлари олий эканидир. Ҳожиларни уларга савол йўллаётганлари, уларнинг турар манзилларини қидираётганлари, улардан фиқҳ ўрганишга ошиқишаётганлари, ҳаж ва бошқа ишлари ҳақида уларни саволга тутаётганлари ҳамда уларнинг жавоб, йўл-йўриқ ва насиҳатларини эшитиш билан хурсанд бўлаётганларини кўрасиз.

Уламоларнинг ўрни юқори эканлигида шак-шубҳа йўқ. Зеро улар яхшиликда йўлбошчи, уларнинг изига эргашилади, феълларига иқтидо қилинади, раъйларига тўхталади. Фаришталар уларга, ҳатти-ҳаракатларидан рози бўлган ҳолда қанотларини ёзадилар. Улар учун барча хўлу қуруқ истиғфор айтади, ҳатто сувдаги балиқ ҳам. Илмлари уларни сара зотлар манзилати, аброр муттақинлар даражасига етказди. У сабабли манзилат ва даражалари олий, қадр-қимматлари эса улкан бўлди. Аллоҳ таоло айтганидек:

يَرْفَعِ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مِنكُمْ وَٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلْعِلْمَ دَرَجَٰتٍۚ ﴿١١﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) **даражамартабаларга кўтарур»** (Мужодала: 11). Аллоҳ таоло деди:

قُلْ هَلْ يَسْتَوِي ٱلَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَٱلَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَۗ ﴿٩﴾

«Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» (Зумар: 9).

Чиройли насиҳатлари, гўзал кўрсатмалари ва етук баёнлари сабабли одамлар ҳаром нимаю ҳалол нима, залолат нимаю ҳидоят нима ҳамда ботил нимаю ҳақ нима эканини билиб олади-лар. Аллома, имом Абу Бакр ал-Ажуррий раҳимаҳуллоҳ уламоларнинг ўрни ҳақида сўзлай туриб, шундай дедилар: «*У Зот уларни бошқа мўминлардан афзал қилди. Бу ҳар бир замон ва вақтда шундай. Аллоҳ уларни(нг даражаларини) илм сабабли юқори қилди ва донолик билан зийнатлади. Улар сабабли ҳалол нимаю ҳаром нима, ҳақ нимаю ботил нима, фойдали нимаю зарарли нима, чиройли нимаю ҳунук нима экани маълум бўлади. Уларнинг фазли улкан, ҳурматлари катта. (Улар) пайғамбарларнинг меросхўри, авлиёларнинг кўз қувончи. Денгиздаги балиқлар улар учун истиғфор айтади. Фаришталар қанотларини улар учун қуйи солади. Уламолар қиёмат куни пайғамбарлардан кейин шафоат қилади. Суҳбатларидан ҳикмат оласиз. Ғафлат аҳли уларнинг амаллари сабаб (ғафлатидан) тўхтайди. Улар обидлардан афзал, даражада зоҳидларданда олий. Ҳаётлари ғанимат, ўлимлари мусибат. Ғофилга эслатма, жоҳилга эса таълим берадилар. Улардан қингир иш кутилмайди. Улар томондан ёвузлик-(хиёнат) хавфи кутилмайди...*». Раҳимаҳуллоҳ ушбу сўзларигача айтдилар:

[71] Ибнул Қаййим «Ал-Вабил ас-Сойиб» (142)да зикр қилди.

«Улар бандалар шамчироғи, ўлкалар маёғи, уммат тиргаги, ҳикмат булоқларидир. Улар шайтоннинг нафрати. Улар сабаб ҳақ аҳли қалблари тирик бўлар ҳамда оғишганларнинг қалблари ўлар. Уларнинг ердаги мисоли осмондаги юлдузлар сингари. Улар сабаб қуруқлик ва денгиз зулуматларида йўл топиб борилур. Агар юлдуз сўнса ҳайрон бўлиб қоладилар. Агар қоронғулик тугаса кўра бошлайдилар». Сўзи тугади.[72]

Илм аҳли ушбу юқори манзилат ва олий, юксак даражада бўлар экан, демак, улардан бошқалар зиммасида уларнинг қадрини сақлаш, маконатларини билиш ва уларни ўз ўринларига қўйиш вожиб бўлади. У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Катталаримизни ҳурмат қилмаган, кичикларимизга раҳм қилмаган ва уламоларимизнинг ҳаққини билмаган умматимдан эмас»***.[73] У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Одамларни ўз ўринларига қўйинглар»***.[74]

Уламоларнинг хоҳ тирик, хоҳ ўлик, хоҳ ҳозир, хоҳ ғоиблари бўлсин, қалб ила муҳаббат ва эҳтиром, тил ила мақтов ва олқиш айтган ҳолда ўринларини билиш ва ҳақларига риоя қилиш шартдир. Шу билан бирга илмларидан озуқаланиш, маърифатларидан фойдаланиш, одоб-ахлоқлари ила одобланишга ошиқиш ҳамда уларга тил текказиш, ҳақорат қилиш ва обрўларини тўкишдан узоқ бўлиш лозиму лобуддир. Чунки бу энг улкан гуноҳ ва энг қаттиқ таъна етказишликдир.

Батаҳқиқ, уламолар нажот кемасининг бошқарувчилари, омонлик соҳили сари йўл бошловчи, зулмат қоронғуликларида йўл кўрсатувчилардир.

وَجَعَلْنَا مِنْهُمْ أَئِمَّةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا لَمَّا صَبَرُوا ۖ وَكَانُوا بِآيَاتِنَا يُوقِنُونَ ﴿٢٤﴾

«Улар (ўз динлари йўлидаги бало-кулфатларга) **сабр-тоқат қилишгач, Биз улардан** (одамларни) **ҳидоят қиладиган пешволарни чиқардик. Улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонар эдилар»** (Сажда: 24).

Улар Аллоҳнинг ердаги ҳужжатидир. Улар Аллоҳ ато этган илм, У Зот тортиқ қилган фиқҳ ва фаҳм сабабли мусулмонларнинг дунё ва охиратларини нима ислоҳ қилишини билувчироқдирлар. Улар ўткир илм билан фатво берадилар, узоқни кўриб қарор оладилар, теран назар билан ҳукм қиладилар. Беҳуда-(ўринсиз) ҳукм чиқармайдилар, мусулмонларнинг сафларини ёлғон-яшиқ гаплар билан бўлиб ташламайдилар, енгилтаклик ва ҳаддан ошишлик нуқтаи назаридан таҳқиқ ва тадқиқотсиз фатво беришга шошилмайдилар. Одамлардан, уларни менсимаган ёки кибр ва кеккайган ҳолда ҳақни яширмайдилар.

Шунинг учун Аллоҳ таоло (масалани) ўзгаларга эмас, фақат уларга қайтариш ва савол йўллашга амр қилди:

فَسْـَٔلُوٓا۟ أَهْلَ ٱلذِّكْرِ إِن كُنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٤٣﴾

«Билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмларидан сўранглар!» (Наҳл: 43). Субҳанаҳу деди:

وَإِذَا جَآءَهُمْ أَمْرٌ مِّنَ ٱلْأَمْنِ أَوِ ٱلْخَوْفِ أَذَاعُوا۟ بِهِۦ ۖ وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى ٱلرَّسُولِ وَإِلَىٰٓ أُو۟لِى ٱلْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعَلِمَهُ ٱلَّذِينَ يَسْتَنۢبِطُونَهُۥ مِنْهُمْ ۗ ﴿٨٣﴾

[72] «Ахлоқул Уламо» (13-14).

[73] «Муснад» (22755), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (5444)да «Ҳасан» даражасида деди.

[74] Абу Довуд (4842).

«Қачон уларга тинчлик ёки хавф-хатар хабари келса, уни ёйиб юборадилар. Агар (улар ўзларига келган хабарни ҳар кимга ёйиб юрмасдан) **пайғамбарга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганларида эди, уни** (яъни мана шу хабарнинг ҳақиқатини) **билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлар эдилар»** (Нисо: 83). Бу ўринда мўминларга одоб ўргатиляпти. Уларга, мўминларнинг тинчлик ва шодлиги ёки бошларига ёғилажак мусибат хавфига боғлиқ ишлардан иборат муҳим ишлар ва умумий фойдалардан бирортаси келган вақтда шошилмай аниқлаштиришликлари, буни Расул (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўзларидан бўлган ҳукмдорлар ҳамда ишларни биладиган, фойда ва унинг зиддини англаб етадиган илм, насиҳат, ақл ва вазминлик эгаларига қайтаришлари лозим бўлади. Шунда кимда-ким уларнинг раъйидан келиб чиқиб иш кўрса саломат қолади. Кимки улардан олдин ҳукм чиқарса зарар кўради ва гуноҳкор бўлади.

(Илмда) мустаҳкам уламолардан узоқ бўлиш, муҳаққиқ имомлар фатволарига таянишни тарк этиш, тадқиқотчи фуқаҳоларга ишончсизлик билдириш зое бўлиш аломатларидандир.

Қачонки уммат уламоларга ишонмай қўяр экан, унинг ҳолати худди қуруқ саҳрода уларни бошқарадиган самимий йўлбошловчисиз ҳамда уларни далолат қилиб турадиган моҳир раҳбарсиз (қолган) одамлар (ҳолати) каби бўлиб қолади. Оқибатда ишлари ҳалокатга қараб кетади ва ниҳоялари талофат бўлади.

Умматни даъват қилиш, унинг йўналишини кўрсатиб бериш ва сергакликка йўллашни қўлга оладиганлар – уламолардир. Агар иш шундай бўлмаса, одамлар жоҳил пешволар этагини тутадилар. Шунда улар одамларга билимсиз фатво беради ва бирор фаҳмсиз уларга йўл кўрсатади. Ана шу дамда заифлик рўй беради, катта путур етади ва кема чўкади.

Улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дедилар: *«Сизларга қабз қилиниши-(кўтарилиши)дан олдин илм олишингиз вожиб бўлади. Унинг қабз қилиниши унинг аҳлини кетиши биландир. Сизларга илм олиш вожиб бўлади. Батаҳқиқ, сизлардан бирингиз ўзидаги нарсага қачон муҳтож бўлишини билмайди. Яқинда, Аллоҳнинг Китобига чорлаётганларини даъво қиладиган қавмларни кўрасизлар. Дарҳақиқат, уни ортларига улоқтиришган. (Динда) янгилик пайдо қилиш, чуқур кетиш ва ҳаддан ошишдан йироқ бўлинглар. Эски (бидъатлар аралашмаган) ишни лозим тутинглар».*[75]

Шояд сиз, эй тавфиқ ато этилган ҳожи, одамларни ҳаж аҳмоклари борасида уламолардан фойдаланиб қолишга ошиқишлари, уларга савол бериб, илмларидан фойда олишга ҳарис эканликларини кўриб, уламоларнинг фазилати, умматнинг уларга ва илмларига ҳожатманд экани, дин ишларининг барчасида уларга савол йўллаб, истифода қилишнинг аҳамиятини билган бўлсангиз керак. Ўзингиз ҳам уламолардан ҳаж аҳкомлари борасида фойда олаяпсиз, ўзингизга тушунарсиз бўлган нарсалар ҳақида улардан фатво сўраяпсиз. Аллоҳга нур ва онг устида ибодат қилишингиз учун намоз, рўза, закот ва барча дин ишларида улардан фатво сўранг ва фойдаланинг.

Саховатли Аллоҳдан уламоларимиз устидан барака ёғдиришини, бизни улардан гўзал суратда фойдаланишга муваффақ қилишини ҳамда биз ва мусулмонлар номидан уларни яхшилик билан мукофотлашини сўраймиз. Албатта, У Эшитгувчи ва (дуоларни) ижобат қилгувчидир.

Ҳаж ва исломий робита-(алоқа)

Ҳажнинг нафс тарбияси борасидаги муборак ўринларидан бири, ҳожи Арафа куни гувоҳ бўладиган улкан йиғилиш ва катта тўпланишдир. Балки у энг улкан исломий йиғилиш. Ушбу

[75] Доримий «Сунан» (143).

катта исломий йиғилишда ва шунингдек, қолган (ҳаж) маросимларида ернинг машриқ ва мағрибидан (келган) мусулмонлар учрашадилар. Ўзаро танишиб, бир-бирларига насиҳат қиладилар. Ўзаро ҳолатлари билан танишиб чиқадилар. Натижада хурсандчилик ва шодликда бир-бирларига шерик бўладилар. Худди бир-бирларининг оғриқларига шерик бўлиб, уни бажариши лозим бўлган ишга йўллагани каби. Барчалари Аллоҳ субҳанаҳу амр қилганидек эзгулик ва тақво йўлида ҳамкорлик қиладилар.

Ушбу муборак кун бўлмиш Арафа кунида ҳожилар «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтишни кўпайтирадилар. У ана шу куни айтиладиган энг яхши сўздир. Балки у калималарнинг мутлақ яхшиси ва Аллоҳга энг севиклисидир. Дарҳақиқат, ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганликлари собит бўлган: ***«Энг яхши дуо Арафа кунидаги дуо. Мен ва мендан олдинги пайғамбарлар айтган сўзларининг энг яхшиси:***

لا إله إلاَّ الله وحده لا شريك له، له الملك وله الحمد وهو على كلِّ شيء قدير

Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ. Лаҳул мулку валаҳул ҳамду ва ҳува аъла кулли шайъин қодир». (Маъноси: Шериги йўқ, ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Бутун мулк ва мақтовлар Унга хос. Ва у барча нарсага Қодирдир).[76]

Бу ўринда мусулмонларнинг жамланиши Аллоҳни (ибодатда) яккалаш ва Расул соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишлик асосидагина бўлишига улкан бир ишора бор. Зеро у иккиси сабабли ҳаво-(истак)лар эрийди ва буғзу адоват тарқалади-(кўтарилади). Ҳамда қалблар юзмаюз бўлади, бир ёқадан бош чиқарилиб, сафлар якдиллашади. Мусулмонларнинг ушбу калимани маҳкам тутишлари заифлашгани сайин жамланиш ва дўстликдан улушлари ҳам шу миқдоричалик заифлашади.

Сўнг (таналарининг) ранги турлича, (сўзлашадиган) тиллари бошқа-бошқа ва юртлари бир-биридан узоқ эканига қарамай ушбу катта сондаги оломон, дарҳақиқат, улар бир мақсад ва бир ғоя асосида йиғилдилар. У улар ҳайқираётган ва такрорлаётган ушбу калима ортидан аниқлашиб борадики, уларни жамлаган нарса Аллоҳни яккалаш ва Унга иймон келтиришликдир. Уларни бир-бирларига ошно қилган нарса Аллоҳга рағбат, қўрқув, умид, хавф, муҳаббат ва қаттиқ истак нуқтаи назаридан бўйинсуниш ва Унинг олдида ҳокисор бўлишликдир.

Тавҳид калимаси бўлмиш «Ла илаҳа иллаллоҳ» - дини ислом аҳли унинг асосида жамланадиган ҳақиқий робитадир. Шу асосда дўст ва душман бўладилар ҳамда шу боис яхши ва ёмон кўрадилар. У сабабли мусулмон жамияти бир жасад каби ва бир-бирини нишаб турадиган мустаҳкам бино сингаридир.

Шайх, аллома Муҳаммад ал-Амин аш-Шинқитий раҳимаҳуллоҳ «Адвоул Баён» китобида шундай деди: *«Хулоса шуки, айрилганни жамлайдиган ва хилма-хил бўлганларни (бир-бирига) ошно қиладиган робита – «Ла илаҳа иллаллоҳ» робитасидир. Ахир ушбу робита исломий жамиятнинг барини бир жасад каби жамлагани ва уни бир-бирини нишаб турадиган бино каби қилиб қўйганини кўрмадингми? Аршни кўтариб турувчи ва унинг атрофидаги фаришталарнинг қалблари ер юзидаги Одам болаларига, ўрталаридаги фарққа қарамай, раҳм-шафқат тилайдилар. Аллоҳ таоло деди:*

ٱلَّذِينَ يَحۡمِلُونَ ٱلۡعَرۡشَ وَمَنۡ حَوۡلَهُۥ يُسَبِّحُونَ بِحَمۡدِ رَبِّهِمۡ وَيُؤۡمِنُونَ بِهِۦ وَيَسۡتَغۡفِرُونَ لِلَّذِينَ ءَامَنُواْ رَبَّنَا وَسِعۡتَ كُلَّ شَيۡءٖ رَّحۡمَةٗ وَعِلۡمٗا فَٱغۡفِرۡ لِلَّذِينَ تَابُواْ وَٱتَّبَعُواْ سَبِيلَكَ وَقِهِمۡ عَذَابَ ٱلۡجَحِيمِ ٧

[76] Термизий «Сунан» (3585), Аллома Албоний раҳимаҳуллоҳ «Силсила ас-Саҳийҳа» (4/7-8)да «Ҳасан» даражасида деди.

رَبَّنَا وَأَدۡخِلۡهُمۡ جَنَّٰتِ عَدۡنٍ ٱلَّتِي وَعَدتَّهُمۡ وَمَن صَلَحَ مِنۡ ءَابَآئِهِمۡ وَأَزۡوَٰجِهِمۡ وَذُرِّيَّٰتِهِمۡۚ إِنَّكَ أَنتَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ٨ وَقِهِمُ ٱلسَّيِّـَٔاتِۚ وَمَن تَقِ ٱلسَّيِّـَٔاتِ يَوۡمَئِذٖ فَقَدۡ رَحِمۡتَهُۥۚ وَذَٰلِكَ هُوَ ٱلۡفَوۡزُ ٱلۡعَظِيمُ ٩

«Аршни кўтариб турадиган ва унинг атрофидаги (фариштлар) **Роббиларига ҳамду сано айтиш билан** (У зотни барча айбу нуқсонлардан) **поклаб-тасбеҳ айтурлар ва У зотга иймон келтирурлар, ҳамда иймон келтирган кишиларни мағфират қилишини сўрарлар: «Парвардигоро, Ўзинг раҳмат-меҳрибонлик ва илм жиҳатидан барча нарсадан кенгдирсан. Бас тавба-тазарруъ қилган ва Сенинг йўлингга эргашган кишиларни Ўзинг мағфират қилгин ва уларни дўзах азобидан сақлагин. Парвардигоро, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари орасидаги солиҳ-мўмин бўлган кишиларни ҳам Ўзинг уларга ваъда қилган мангу жаннатларга доҳил қилгин. Албатта Сенинг Ўзинггина қудрат ва ҳикмат соҳибидирсан. Ўзинг уларни барча ёмонликлардан асрагин. Кимни ўша Кундаги** (қиёматдаги) **ёмонликлардан асрасанг, бас ҳақиқатан унга раҳм-шафқат қилибсан. Мана шу буюк бахтдир»»** *(Ғофир: 7-9). Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло аршни кўтариб турадиган ва унинг атрофидаги фариштлар билан ер юзидаги Одам болалари ўртасини боғлаб турадиган робитага ишора қилди. Ҳатто улар Аллоҳга улар (Одам болалари) учун ушбу улкан, солиҳ дуони қиляптилар. Албата, у (робита) Аллоҳ жалла ва аълага иймон келтиришликдир*». Раҳимаҳуллоҳ шу ўрингача айтдилар: «*Қисқаси шуки, ер юзидагиларни бир-бирига боғлаб турадиган ҳамда ер ва само аҳлини бир-бирига боғлаб турадиган робита – «Ла илаҳа иллаллоҳ» робитаси эканида мусулмонлар ўртасида хилоф йўқдир. Демак, ундан ўзга робита билан нидо қилиш албатта жоиз эмас*».[77] Сўзи тугади.

Ушбу улкан маънони қайд этиб, таъкидлаган ҳолда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонлик куни Минодаги хутбаларида шундай дедилар: ***«Эй инсонлар! Огоҳ бўлингизким, Раббингиз азза ва жалла бирдир. Огоҳ бўлингизким, отангиз бирдир. Огоҳ бўлингизким, арабни ажамдан ва қора*** *(танли)***ни қизил** *(танли)***дан афзаллиги фақат тақво биландир. Етказдимми?»***. Улар: «*Ҳа*», дедилар. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Ҳозир бўлган ғоиб бўлганга*** *(бу ерда бўлмаганга)* ***етказсин»*** - дедилар.[78] Имом Аҳмад «Муснад»ида саҳиҳ иснод билан ривоят қилди.

Ҳажнинг улкан манфаатларидан бири ушбу робитани кучайтириш ва ушбу ришtани мустаҳкамлашдир. Зеро маъбуд бир, юзланадиган қибла бир, эргашиладиган пайғамбар бир, эҳром либоси, ҳаж маросимлари ва амаллари бир, мусулмонлар жамланадиган макон ва замон бир ҳамда бўйинсуниш, таслим бўлиш, итоат қилиш ва буйруқни бажариш нуқтаи назаридан барчанинг шиорни «Лаббайка Аллоҳумма Лаббайк»дир. Ушбу робитаданда мустаҳкам ва ушбу ришtаданда улканроқ ришта борми?!

Мусулмонлар буни уқиб олсинлар ҳамда Раббиларига ушбу муборак қардошлик, улуғ аҳиллик ва биродарлик муҳаббати учун ҳамд айтсинлар. Улардан ҳар бирлари ушбу ришtани кучайтирадиган ва уни чуқур илдиз оттирадиган барча нарсани рўёбга чиқаришда саъй-ҳаракат қилсин. Ҳамда уни заифлаштирадиган ва кучсизлаштирадиган ҳар қандай ишдан узоқ бўлсинлар. Саҳиҳ-собит дуолардан бири: ***«Эй Аллоҳ! Ўрталаримизни ислоҳ қил, қалбларимизни ошно қил, бизни саломатлик йўлларига бошла ва бизни зулуматлардан нурга олиб чиқ»***.

[77] «Адвоул Баён» (3/447-448).

[78] «Муснад» (23489).

Барча ирқий миллатчиликлар, уруғчилик шиорлари, жоҳилий тамойиллар ва тор гуруҳбозликларни ташласин.

Абу Довуд ва бошқалар саҳиҳ исноd билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганликларини ривоят қиладилар: ***«Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло сизлардан жоҳилият димоғдорлиги ва аждодлар билан фахрланишни кетказди.*** *(Энди фақат)* ***тақводор мўмин ёки бадбахт фожир*** *(бор)****. Сизлар Одам болаларисиз. Одам эса тупроқдандир. Кишилар, жаҳаннам кўмирларидан бўлган бир кўмир ёки Аллоҳга бурни билан сассиқ*** *(гўнг)****ни титадиган қўнғиздан ҳорроқ бўладиган қавмлар билан фахрланишни ташлашсин»****.*[79]

Имом Аҳмад «Муснад»да Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишига шундай дедилар: ***«Қаранг! Батаҳқиқ, сиз на қизил ва на қора*** *(танли)****дан яхшисиз. Фақат ундан тақво ила афзал бўлишингиз мустасно»****.*[80]

Сўнг кимда-ким ўзгага ҳақли равишда насаб ёки бошқа нарса билан такаббурона муомала қилса, дарҳақиқат, фахрланибди. Агар ўзгага ноҳақ равишда такаббурона муомала қилса, дарҳақиқат, зулм қилибди. Фахр ва зулмнинг иккиси ҳам ҳаром. Шунинг учун Муслимнинг «Саҳиҳ»ида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганликлари собит бўлган: ***«Менга бир-бирларингизга камтар бўлишингиз ваҳий қилинди. Ҳатто бирор киши бошқа кишига фахрланмасин. Ва бирор киши бошқа кишига зулм қилмасин»****.*[81]

У субҳанаҳу Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий қилган амрида халқларга такаббурлик қилиш бўлган фахрланиш ва зулмнинг иккисидан ҳам қайтарди. Кимда-ким ҳақли равишда такаббурона муомала қилса фахрланибди. Ва кимда-ким ноҳақ равишда такаббурона муомала қилса, дарҳақиқат, зулм қилибди. Буниси ҳам, униси ҳам ҳалол эмас.

Аллоҳдан фахрланиш ва кибр ҳамда зулм ва тажовуздан паноҳ сўраймиз. Унга ҳар бир хато ва гуноҳдан сиғинамиз. У субҳанаҳудан мусулмонларни яхшилик ва тақво асосида жамлашини, ўрталарини ислоҳ қилишини, қалбларини бир-бирига ошно қилишини, уларни саломатлик йўлларига бошлашини, сафларини якдил ва сўзларини бир қилишини ҳамда душманларининг макрини ботилга чиқаришини сўраймиз. Албатта, У субҳанаҳу Эшитгувчи, (дуоларни) ижобат қилгувчидир.

Ҳаж ва истиғфор

Аллоҳ таоло истиғфор айтишга кўп бора буюрган. Айниқса тоат ниҳояси ва ибодат тугал бўлганда. Аллоҳ таоло ҳаж оятларида шундай деди:

ثُمَّ أَفِيضُواْ مِنۡ حَيۡثُ أَفَاضَ ٱلنَّاسُ وَٱسۡتَغۡفِرُواْ ٱللَّهَۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ١٩٩

«Сўнгра одамлар тушган томондан тушинглар ва Аллоҳдан (гуноҳларингизни) **мағфират қилишини сўранглар! Албатта Аллоҳ мағфират қилгувчи, раҳмлидир»** (Бақара: 199).

Бу ерда (одамлар тушган томондан) тушишдан мурод, яъни, Мино бўлиб, ҳожи амалларининг охиргиси бўлмиш ҳаж амалларини комил қилиш учун турадиган ўриндир. У субҳанаҳу ана шу аснода банда томонидан ҳосил бўлган нуқсон ва у томондан рўй берган хатони тузатувчи бўлиши учун истиғфорни лозим тутишга амр қилди.

Шайх, аллома Абдурраҳмон ибн Носир ас-Саъдий раҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида деди: *«Ушбу (одамлар тушган томондан) тушишдан мақсад улар наздида маълум эди. У тош отиш, жонликларни сўйиш, тавоф, саъй, ташриқ кечалари Минода тунаб қолиш ва қолган ҳаж ибодатларини*

[79] Абу Довуд «Сунан» (5116), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (1787)да «Ҳасан» даражасида деди.

[80] «Муснад» (21407).

[81] Муслим (2865).

мукаммал-(тугал) қилиш. Ушбу (одамлар тушган томондан) тушишдан У Зот зикр қилгани мақсад қилинган вақтда, у зикр қилинганлар ҳаж ибодатларининг охири, Аллоҳ таоло улардан фориғ бўлиш вақти У Зотдан мағфират сўраш ва Уни кўп-кўп зикр қилишга амр қилди. Демак, истиғфор айтишлик ибодатни адо этиш давомида банда томондан рўй берган путур ва унда хатога йўл қўйиш (содир бўлгани) учундир. Аллоҳни зикр қилиш эса уни (бандани) ушбу улкан ибодатга тавфиқ бериш ила унга инъом қилгани ва катта марҳамат кўрсатгани учун Аллоҳга шукр қилишликдир. Шунингдек, бандага ҳар сафар ибодатдан фориғ бўлганда Аллоҳдан йўл қўйган хато учун мағфират сўрашлиги ҳамда тавфиқ берган учун Унга шукр қилишлиги лозим бўлади. Дарҳақиқат, у ибодатни комил суратда адо этган ва бу билан Раббисига миннат қилган ҳамда унга баланд ўрин ва манзилат ҳозирлаб қўйилганини тўғри деб биладиган кимса каби эмаски, бу ғазаб ва амали рад этилишига мустаҳиқдир. Худди аввалги киши мақбул қилиниш ва бошқа амалларга муваффақ қилинишга ҳақли бўлгани каби». Сўзи тугади.

Дарҳақиқат, солиҳ амалларни истиғфор билан якунлаш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одатларидан эди. Шунинг учун Муслимнинг «Саҳиҳ»ида собит бўлганки: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларидан фориғ бўлганларида уч марта истиғфор айтардилар*».[82] Ва тунги намозни истиғфор билан якунлаш ворид бўлган. Аллоҳ таоло деди:

وَٱلۡمُسۡتَغۡفِرِينَ بِٱلۡأَسۡحَارِ ١٧

«Ва саҳарларда Аллоҳдан мағфират тилайдиган...» (Оли Имрон: 17). Ҳамда у киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суҳбатларини истиғфор айтиш билан якунлардилар. Абу Довуд Абу Барза ал-Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суҳбатдан туришни хоҳлаган вақтлари сўнгида шундай дердилар:*

سبحانك اللهمَّ وبحمدك، أشهد أن لا إله إلاَّ أنت، أستغفرك وأتوب إليك

«Субҳанака Аллоҳумма ва биҳамдик. Ашҳаду алла илааҳа илла Ант. Астағфирука ва атуба илайк».

(Маъноси: Эй Аллоҳ! Сенга ҳамд айтиш билан Сени барча айбу нуқсонлардан поклайман. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ эканига гувоҳлик бераман. Сендан мағфират сўрайман ва Сенга тавба қиламан).[83] Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Кимда-ким бирор суҳбат қуриб, унда хатоси кўп бўлса, ушбу суҳбатидан туришдан олдин шундай десин:

سبحانك اللَّهمَّ ربَّنا وبحمدك، أشهد أن لا إله إلاَّ أنت، أستغفرك وأتوب إليك

«Субҳанака Аллоҳумма Роббана ва биҳамдик. Ашҳаду алла илааҳа илла Ант. Астағфирука ва атуба илайк».

(Маъноси: Эй Аллоҳ, Раббимиз! Сенга ҳамд айтиш ила Сени барча айбу нуқсонлардан поклайман. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ эканига гувоҳлик бераман. Сендан мағфират сўрайман ва Сенга тавба қиламан).

«(Шунда) ***албатта унинг ушбу суҳбатида бўлган хатолари мағфират қилинади»***.[84]

Балки у киши алайҳиссалоту вассалам убудиятни рўёбга чиқариш ва комил тоат ила кўрк очган ҳаётларини истиғфор билан якунладилар. «Саҳиҳул Бухорий»да Оиша розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни, у киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) белларини

[82] Муслим (591).

[83] Абу Довуд «Сунан» (4859), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ ат-Тарғиб» (1517)да саҳиҳ деди.

[84] Абу Довуд «Сунан» (4858), Термизий «Сунан» (3433), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ ат-Тарғиб» (1516)да саҳиҳ деди.

унга (розияллоҳу анҳо) суяган ҳолда ўлишларидан олдин у киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қулоқ солганларида шундай деяётганларини эшитдилар: ***«Эй Аллоҳ! Мени мағфират қил, менга раҳм қил ва мени «Рофиқул Аъло» («Энг олий ҳамроҳ»)га етказ»***.[85] Ҳолбуки у киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пок ҳаётлари давомида истиғфор айтишни ниҳоятда лозим тутган эдилар.

Муслим «Саҳиҳ»ида ал-Ағор ал-Музаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Батаҳқиқ, қалбимни ғам эгаллайди. Ва албатта, мен бир кунда юз марта Аллоҳдан мағфират сўрайман»***.[86]

Бухорий «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни шундай деяётганларини эшитдим: ***«Аллоҳга онт ичаманки, батаҳқиқ, мен бир кунда етмиш мартадан кўпроқ Аллоҳдан мағфират сўрайман ва Унга тавба қиламан»***.[87]

Абу Довуд ва Термизий Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қиладилар: «*Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни бир суҳбатда юз марта:*

ربِّ اغفر لي وتُب عليَّ، إنَّك أنت التوَّاب الرحيم

«Роббиғфирлий ватуб аълайя. Иннака Анта ат-Таввабу ар-Роҳим».

(Маъноси: Раббим мени мағфират қил, тавбамни қабул эт. Албатта, Сен тавбаларни кўплаб қабул қилгувчи ва раҳмлисан), *(дейишларини) санар эдик*».[88]

Насоий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларни тўплаб, шундай дедилар: ***«Эй одамлар! Аллоҳга тавба қилинглар. Батаҳқиқ, мен Унга бир кунда юз марта тавба қиламан»***.[89]

«Саҳиҳайн»да Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу ҳадисларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу дуо билан дуо қилганликлари собит бўлган:

اللَّهمَّ اغفر لي خطيئتي وجَهلِي، وإسرافِي فِي أَمرِي، وما أنت أعْلمُ به مِنِّي، اللّهُمَّ اغفِر لي جِدِّي وهزْلِي، وخطئِي وعمدي، وكلّ ذلك عندي، اللَّهمَّ اغفر لي ما قدّمت وما أخّرت، وما أسررت وما أعلنت، وما أنت أعلم به منّي، أنت المقدِّمُ وأنت المؤخِّرُ، وأنت على كلّ شيءٍ قدير

«Аллоҳуммағфирлий хотиъатий ва жаҳлий. Ва исрофий фий амрий. Вама Анта аъламу биҳи минний. Аллоҳуммағфирлий жиддий ва ҳазлий ва хотоий ва аъмдий ва куллу залика иъндий. Аллоҳуммағфирлий ма қоддамту вама аххорту, вама асрорту вама аълантту, вама Анта аъламу биҳи минний. Антал Муқоддиму ва Антал муаххиру ва Анта аъла кулли шайъин Қодир».

(Маъноси: Эй Аллоҳ! Менинг хато, билимсизлик, ишимдаги хатойим ҳамда Сен уни мендан кўра билувчироқ бўлган (хато)ларни мағфират қил. Эй Аллоҳ! Менинг жиддий ва ҳазилим ҳамда хатойим ва қасддан қилганимни мағфират қил. Бунинг бари мен томондандир. Эй Аллоҳ! Мен аввал қилган ва ортга сурган-(ташлаган)larимни ҳамда яхширин ва ошкора қилганларимни ва Сен уни мендан кўра билувчироқ бўлган (хато)ларни мағфират қил. Сен муқаддам қилувчи ва ортга сурувчисан. Ва Сен барча нарсага Қодирсан).[90]

---

[85] Бухорий (4440).

[86] Муслим (2702).

[87] Бухорий (6308).

[88] Абу Довуд «Сунан» (1516), Термизий «Сунан» (3434), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳа» (556)да саҳиҳ деди.

[89] Насоий «Кубро» (10265) ва у Муслимда ал-Ағор (розияллоҳу анҳу) ҳадисларида шунга яқин лафз билан ворид бўлган (4/2076).

[90] Муслим (2719).

Истиғфорни кўплаб кўринишлари собит бўлган. У киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп истиғфор айтардилар. Ҳатто Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дедилар: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламданда:*

أستغفر الله وأتوب إليه

«Астағфируллоҳу ва атуба илайҳ»

(Маъноси: Аллоҳдан мағфират сўрайман ва Унга тавба қилман), *деб кўпроқ айтадиган бирор кишини кўрмадим»*.[91]

Ҳолбуки Аллоҳ у киши соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдинги ва кейинги гуноҳларини мағфират қилган. Аллоҳ таоло айтганидек:

إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُّبِينًا ﴿١﴾ لِّيَغْفِرَ لَكَ ٱللَّهُ مَا تَقَدَّمَ مِن ذَنۢبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ وَيُتِمَّ نِعْمَتَهُۥ عَلَيْكَ وَيَهْدِيَكَ صِرَٰطًا مُّسْتَقِيمًا ﴿٢﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**, токи Аллоҳ сизнинг гуноҳингиздан илгари ўтган ва кейин кел**(ади)**ган нарсалар** (барча гунохларингиз)**ни мағфират қилиши учун ва сизга Ўз неъматини комил қилиб бериб, сизни Тўғри йўлга ҳидоят қилиши учун... дарҳақиқат Биз сизга очиқ-равшан фатҳ-ғалаба ато этдик»** (Фатҳ: 1-2).

«Саҳиҳ»да Оиша розияллоҳу анҳонинг шундай деганликлари ривоят қилинади: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқисалар то оёқлари шишиб кетгунча турардилар. Шунда мен у кишига: «Эй Расулуллоҳ! Нима учун бундай қиласиз? Ахир Аллоҳ сизни ўтган ва кейинги гуноҳларингни мағфират қилган бўлса?» - дедим. У киши (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):* ***«Эй Оиша! Шукр қилувчи банда бўлмайми?»*** *- дедилар»*.[92]

Истиғфорнинг амалларни тамомига етказиш ва хатоларни тузатишда ўз аҳлига санаб адоғига етиб бўлмас самара ва баракалари бор. Шайхул Ислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ шундай деди: *«Истиғфор (сабабли) банда макруҳ феълдан маҳбуб феълга ва ноқис амалдан тўкис амалга чиқади. Банда (у сабабли) қуйи мақомдан олийроқ ва комилроқ ўринга кўтарилади. Батаҳқиқ, Аллоҳга ибодат қилувчи ва Аллоҳни танувчи киши ҳар куни, балки ҳар соатда, балки ҳар лаҳзада Аллоҳни билиши, динини теран тушуниши ва убудияти зиёдалашиб боради. У буни ўз таоми, ичимлиги, уйқуси, уйғоқлиги, сўзи ва феълида топади. Ҳамда олий мақомлар ва уларнинг ҳаққини бериш давомида қалби уйғоқлиги борасида ўз камчилигини кўради. Шунда у кеча ва кундуз соатларида истиғфор айтишга муҳтож бўлади. Балки у сўз ва ҳолатлари ҳамда гойиб ва ҳозирлигида, унда (истиғфор айтишда) фойдалар, яхшиликларни жалб қилиш ва зарарларни даф қилиш, яқиний, иймоний қалб ва танага оид амалларда зиёда қувват талаб қилиш бўлгани боис доимо унга (истиғфор айтишга) мажбурдир»*.[93] Сўзи тугади.

Дарҳақиқат, Аллоҳ истиғфор айтувчиларга дунё ва охиратда санаш ва қамраб олиш имкони йўқ бўлган улкан ажр ва улуғ тортиқ ҳамда мўл атои неъматларни ҳозирлаб қўйган. Аллоҳ таоло деди:

وَمَن يَعْمَلْ سُوٓءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُۥ ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ ٱللَّهَ يَجِدِ ٱللَّهَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١١٠﴾

[91] Насоий «Сунан ал-Кубро» (10288), Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ» (928).

[92] Бухорий (4837), Муслим (2820).

[93] «Мажмуъ ал-Фатава» (11/696).

«Ким бирон бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳни мағфират қилгувчи ва меҳрибон эканини топар – кўрар» (Нисо: 110). Аллоҳ таоло деди:

وَمَا كَانَ ٱللَّهُ مُعَذِّبَهُمۡ وَهُمۡ يَسۡتَغۡفِرُونَ ٣٣

«Ва улар мағфират сўраб турган ҳолларида ҳам Аллоҳ уларни азоблагувчи эмасдир!» (Анфол: 33). Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссалом ҳақида шундай деди:

فَقُلۡتُ ٱسۡتَغۡفِرُواْ رَبَّكُمۡ إِنَّهُۥ كَانَ غَفَّارٗا ١٠ يُرۡسِلِ ٱلسَّمَآءَ عَلَيۡكُم مِّدۡرَارٗا ١١ وَيُمۡدِدۡكُم بِأَمۡوَٰلٖ وَبَنِينَ وَيَجۡعَل لَّكُمۡ جَنَّٰتٖ وَيَجۡعَل لَّكُمۡ أَنۡهَٰرٗا ١٢

«Мен дедимки: «Роббингиз (Аллоҳ)**дан мағфират сўранглар, албатта У ўта мағфиратли бўлган зотдир.** (Шунда) **У зот устларингизга осмондан ёмғир қуйдирур. Ва сизларга молдунё, бола-чақа билан мадад берур ҳамда сизларга боғу бўстонлар** (ато) **қилур ва сизларга оқар дарёлар** (ато) **қилур»** (Нуҳ: 10-12).

Ибн Можжа «Сунан»ида Абдуллоҳ ибн Бишр розияллоҳу анҳудан ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Ўз номаи аъмолида кўп истиғфор топган кишига шодлик бўлсин»***.[94]

Аллоҳ жалла ва аълодан бизни тавба қилувчи, (гуноҳлардан) қайтувчи, истиғфор айтувчи бандаларидан қилишини ва бизни тўғри йўлга бошлашини сўраймиз.

Якунида Олий, Қодир Аллоҳдан мусулмонларни Унинг эски байти сари қилган ҳажларидан гўзал фойда олишга муваффақ айлашини, амалларини ҳусни мақбул этишини, барчамизни мағфират қилишини, бизни сўзга қулоқ тутиб, унинг энг яхшисига эргашадиган муттақин бандаларидан қилишини сўраймиз. Ана ўшаларни Аллоҳ ҳидоят қилур ва ана ўшалар ақл эгаларидир. Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, аҳли оила ва барча саҳобаларига саловату саломлар йўлласин.

Манба: Тавҳид форуми

[94] Ибн Можжа «Сунан» (3818), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ» (3930)да саҳиҳ деди.